

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№9. 2022

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

**Қадрли ватандошлар,
қишлоқ ва сув хўжалиги
ходимлари, чорвадор ва
фермерлар улуғ айём –
Мустақиллик байрамининг
31 йиллиги барчамизга
муборак бўлсин!**





31
YIL

Халқымизни, унинг ободлиги ва фаровонлигига
фидокорона меҳнатлари билан ҳисса қўшаётган
аграр соҳа ходимларини ҳамда барча ҳамкасларимизни муқаддас байрам – Мустақилликнинг
31 йиллиги билан чин дилдан табриклаймиз.

Ўртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ жамоаси



МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

Пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” боғида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига бағишлиланган байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ишлаб-чиқариш илғорлари, илмфан, маданият ва санъат соҳаси намояндлари, тадбиркорлар, нуронийлар ва ёшлар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тантанали маросимда Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВ байрам нутқини сўзлади. Куйида ана шу нутқдан иқтибосларни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақиқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва мэрраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуф, энг азиз байрам бўлиб қолади.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуф вазифанинг шарти ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик испоҳотлар йўлидир.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам отаҳон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижаотли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суюнчи, деб биламиз.

Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўzsиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатdir.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиласидиган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ўз тарихида қанча-қанча синов ва мاشаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиг ўтишга қодир. Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласиди.

Асосий қонунимизни шошилмасдан, чукур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, факат умумхалқ референдуми асосида қабул қиласиз.

Ишончим комил, Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Бугун биз ўз олдимизга улуғвор ва юксак мақсадларни қўймокдамиз.

Ана шундай улкан мэрраларга этиш йўлида кўп миллатли элъюртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона ҳалқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқпаримизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, испоҳотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикент халқимизга чин дилдан таъзим қиласиз.



МУКОФОТ МУБОРАК!

Истиқлол айёми арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлариға мувофиқ, давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан кўплаб юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотландилар. Улар орасида қўшидаги агарар соҳа ходимлари, илм-фан ва таълим намояндалари ҳам бор.

Биз кўп сонли журналхонларимиз номидан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган ватандошларимизни муборакбод этамиз!



«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони билан

Шайзаков Ташмурат - Боёвут туманидаги «Шайзоқ ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Ортиқов Бекдурди Садуллаевич - Кўшкўпир туманидаги «Ҳамроҳ» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Чутпулатов Чори Эргашевич - Жарқўрон туманидаги «Жарқўрон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони билан

Туланов Шарофиддин Худобердиевич - «Сўх-Оқтепа» ирригация тизими бошқармаси гидроучастка бошлиғи, Фаргона вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан

Нуримов Шалабай Арапбаевич - Қораўзак туманидаги «Ермак» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

Тугонова Улбуви - Пайариқ туманидаги «Тўғонов Бебит бобо» фермер хўжалиги пиллачиси, Самарқанд вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Умурзаков Уктам Пардаевич (марҳум) - Ўзбекистон Республикаси Олий таълим Кенгаши собиқ раиси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институтининг собиқ ректори

«Мехнат шуҳрати» ордени билан

Усманов Азиз Магдалиевич - «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти» миллий тадқиқот университетининг технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси профессори

Сувонқулов Мухаммад - Пахтакор туманидаги «Семруғ» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаева Холида Абдужалиловна - Сайхунобод туманидаги «Сайхунобод агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Сирдарё вилояти

Аккулов Уралбай Абдуганиевич - Халқ депутатлари Зомин тумани Кенгаши депутати, меҳнат фахрийи, Жиззах вилояти

Бобоев Абдираҳмон Юсупович - Чироқчи туманидаги «Абдираҳмон бобо асали» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Жумаев Араббой Ражаббоевич - Муборак тумани «Муборак» қоракўлчиликка ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти бош чорвашуноси, Қашқадарё вилояти

Оқбутаев Эгамберди Эргашович - «Қўйи Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Насос станциялари ва энергетика бошқармаси автоқран ҳайдовчиси, Навоий вилояти

«Содик хизматлари учун» медали билан

Бойматов Исақжон Жалилович - Олтиарик туманидаги «Хайрулло Баҳром Бойматов» фермер хўжалиги бошлиғи, Фаргона вилояти

Каримов Ғуломжон Ҳусанбоевич - Марҳамат туманидаги «Феруз» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Рўзиматов Ҳамдамбай Бойжонович - Янгиарик тумани ирригация бўлими гидротехники, Хоразм вилояти

«Жасорат» медали билан

Ниязов Хурсанали Ақрамжонович - Тўрақўрон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Наманган вилояти

Сайфуллаев Баҳодир Нуруллаевич - Дўстлик туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Жиззах вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Жуманова Феруза Валижоновна - Норин туманидаги «Дилизар» дәхқон хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Машрапов Ҳусниддин Турсуналиевич - Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти докторанти

Очилова Инобат Салимовна - Навбаҳор туманидаги «Очилова Инобат» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Раҳматов Икром Аҳмедович - Оқдарё туманидаги «Зарафшон ломан парранда» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Урунов Юсубжон Юлдашович - Олот туманидаги «Олот агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайн оператори, Бухоро вилояти

Ходжабеков Нуриддин Султанмурадович - Сирдарё туманидаги «Султон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Юлдашова Комила Қаршиевна - Яккабог туманидаги «Комила Қаршиевна» хусусий биолабораторияси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Юсупов Иззатилло Аҳмадович - Фиждувон давлат ўрмон хўжалигининг кўчачтилик бўлими ўрмонбегиси, Бухоро вилояти

АГРАР СОХА: ЯНГИ ТИЗИМ, ЯНГИ ЮТУҚЛАР

Фаровонлик ва иқтисодий барқарорликка қанот бўлмоқда



Қўшимча қиймат занжири яратилди

Ўзининг салбий таъсирини тобора кучли намоён этиб келаётган иқлимдаги глобал ўзаришлар, минтақадаги демографик жараёнлар, ер ва сув ресурслари чекланганлиги ҳар бир давлат олдига миллый даражада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жиддий вазифаларни қўймоқда. Ушбу муаммолар ва аграр соҳадаги вазиятни замонавий воқелик илгари сураётган талаблар асосида чукур таҳлил қилган ҳолда давлатимиз томонидан кенг қамровли ислоҳотларни жадаллик билан амалга ошириш юзасидан кейинги беш йилда тизимли чоралар белгиланди.

Соҳани ислоҳ қилиш тажрибаси ва сабоқларига таянган ҳолда кейинги йилларда бу борадаги фаолиятни янгича иқтисодий муносабатлар билан такомиллаштириш, илм-фан ютуқлари ва илғор технологияларни амалиётга кенг жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш янги босқичга кўтарилди.

Жумладан, аграр соҳанинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий базаси ҳамда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда ўта мұхим ижтимоий-сиеёсий аҳамиятга молик бўлган кўп йиллик муаммоларни бартараф этиш борасида тарихий ишлар амалга оширилди. Масалан, пахта етиштиришда мажбурий меҳнат, ҳатто, бу каби юмушларга болаларни жалб қилиш ҳолларига тўлиқ барҳам берилди.

Деҳқон аҳлининг шарафли касбани улуғлаш ва меҳнатини қадрлаш мақсадида маҳсус қонун билан 2017 йилдан бошлаб ҳар йили декабрь ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни сифатида кенг нишонланадиган бўлди. Бу аграр соҳа меҳнаткашларига руҳан кўтарникилик бағишлиди, улар қалбida ўз касбига

мехр, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини юксалтириди.

Сўнгги олти йилда амалга оширилган мұхим ислоҳотлардан бири соҳага бозор муносабатларининг тизими жорий этилгани ҳамда қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжири яратиш, яъни замонавий ва самарали усул — агрокластер ва кооперациянинг йўлга қўйилгани бўлди.

Бу даврда 122 та пахта-тўқимачилик, 152 та мевачилик, 64 та ғаллачилик, 35 та шоличилик, 7 та доривор ўсимликлар кластерлари ҳамда 11 та пахта-тўқимачилик кооперацияси ташкил этилди.

Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигига сармояларни жалб қилиш тизими такомиллаштирилди. Хорижий давлатлар ҳамда ҳалқаро ташкилотлар киритаётган инвестициялар кўлами кенгайди ва салмоғи ошиди. Масалан, қишлоқ хўжалигига ҳалқаро молия институтлари томонидан 2016 йилда 105,8 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилган бўлса, 2020 йилга келиб мазкур миқдор 500 млн. АҚШ долларини ташкил этиди.

Илм-фан ютуқлари – самарадорлик мезони

Маълумки, пахтачилик ва ғаллачилик аграр соҳанинг етакчи тармоқлари ҳисобланади. Мазкур тармоқларни замонавий илм-фан ютуқлари билан ўйғунлаштириш, янги навлар ва агротехнологияларни амалиётга жорий этиш борасида эътиборга молик натижаларга эришилди. Масалан, ғўзанинг 30 дан ортиқ серҳосил ва тола сифати юқори навлари яратилди. 36 минг гектар ғўза майдонларида томчилатиб сугориш технологияси жорий этилди. Ҳар гектарига 40 минг туп қўшимча кўчат олишга эришилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси такомиллаштирилиши ҳисобига чигит экиш мавсуми 25 кундан 15 кунгача, ғалла экиш мав-

суми 30 кундан 25 кунгача қисқарди. Самарали агротехнологиялар қўлланилиши на-тижасида пахта ҳосилдорлиги гектарига 26 центнердан 30 центнерга, сугориладиган майдонлардаги ғалла ҳосилдорлиги 55,5 центнердан 70,9 центнерга кўтарилиди. Ғалла ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилда 6 млн. 212,3 минг тоннани, 2022 йилда 7 млн. 226 минг тоннани ташкил этди.

Пахта майдонлари ҳамда янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сувтежовчи технологияларни жорий этишда ҳаражатларнинг бир қисмини давлат томонидан қоплаб бериш амалиёти қўлланила бошлагани натижасида 291,2 минг гектар майдонда бу самарали тизим татбиқ қилинди. 280 минг гектар ер майдони қайта фойдаланишга киритилди. Чунки аҳоли сони ортиб бориши, ер ва сув ресурслари чекланганлиги, ҳар қарич ердан самарали фойдаланишни, ҳосилдорликни илм-фан ютуқлари асосида ошириб боришини тақозо этмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, әлимиз дастурхонига сифатли ва арzon турли нознеъматларни янада кўпроқ етказиб бериш мақсадида пахтачиликда 252 минг гектар, ғаллачиликда 94 минг гектар майдон қисқартирилди. Бу йилларда 63,4 минг гектарда янги интенсив боғ, 49,6 минг гектарда токзор барпо этилди, 204,5 минг гектарга сабзавот, 28 минг гектарга полиз экинлари қўшимча экилди. Бундай кенг қўллами ислоҳотлар буғунги кунга келиб ўз мевасини бермоқда. Масалан, ўтган йили олдинги йилдагига нисбатан полиз маҳсулотлари 6,9 фоиз, картошка – 4,7, сабзавотлар – 4,1, мева ва резаворлар – 1,4, узум 5,5 фоиз кўп этиширилди. Жорий йилда бозор расталари ва савдо дўйконларидаги арzonчилик замираша миришкор деҳқонларимизнинг фи-

докорона меҳнати мужассам, десак, сира муболаға қилмаган бўламиз.

Мева-сабзавотларимиз дунё бозорига чиқмоқда

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортни бўйича олдиндан 100 фоиз тўлов шартлари ва уларнинг экспорт нархлари бекор қилиниши натижасида хорижга етказиб бериладиган маҳсулот турлари 34 тадан 68 тага ўсида, географияси эса 43 тадан 77 та давлатга кўпайди. Айтиш мумкинки, боғбону соҳибкорлар ўзларига берилаётган имтиёзлар, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, жаҳон бозорига тобора кўпроқ маҳсулот чиқармоқда.

2016 йилда 560 млн. АҚШ доллари қийматида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2020 йил якунидаги мазкур кўрсаткич 1,8 марта ошиб, 1 млрд долларни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-июль ойларида эса 550 млн. АҚШ доллари қийматига тенг бўлган 968 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиниб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 127 минг тоннага ошган.

Мева-сабзавот етиштириш миқдори органи сари, уларни саклаш, аҳолини йил – ўн икки ой давомида доимий сархил маҳсулотлар билан таъминлаш ҳам давлатимиз раҳбари дикқат эътиборида. Бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қуввати 2,5 млн. тоннага, сақлаш сифимлари 1,1 млн. тоннага етказилиб, ички истеъмол бозорида қишин-ёзин уларнинг нархи барқарор бўлишига эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун банк кредитлари ва лизинг бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизини, техника харид қилинганда техника қийматининг 15 фоизини ҳамда пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун харажатларнинг 30 фоизини субсидиялаш механизмилари жорий этилди. Натижада, соҳанинг техника билан таъминланганлик даражаси 2016 йилги 85 фоиздан 2020 йилда 92 фоизга ётди.

Ўзига хос солнома очилди

Аграп соҳада яқин келажак ва истиқболда амалга ошириладиган дастурий вазифаларни ўзида мужассам

этган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниши мамлакатимиз аграр ва озиқ-овқат саноати равнақида ўзига хос янги солнома очди.

Ушбу стратегияда белгиланган 9 та устувор йўналишга мувофиқ сўнгги йилларда асосий ислоҳотлар амалга оширилишида сезиларли ютуқларга эришилаётir.

Илгор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, халқаро марказлар ташкил этилмоқда. Таълимда прогресив тизимлар жорий этила бошланди. 2 та халқаро олий таълим муассасаси очилди, хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда бакалавриатура ва магистратуранинг 12 та таълим йўналиши ва мутахассислари бўйича қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланмоқда.

2020–2021 йилларда Ҳукумат давлатнинг қишлоқ хўжалигидаги ролини камайтириш ва инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган маҳсус чора-тадбирларни жорий қилди.

Хусусан, 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта етиштиришга давлат буюртмаси бекор қилинди. 2020 йилнинг 1 мартаидан эса пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланадиган ҳудудларни тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқкан ҳолда босқичма-босқич ихтинослаштириш тизими жорий этилди.

2021 йил ҳосилидан бошла бошоқли дон экинларига давлат буюртмалари ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш, шу жумладан, дон экинларини сотиб олиш ва сотища эркин рақобатни таъминладиган бозор механизmlари жорий этилди ҳамда фермер хўжаликларининг талабларидан келиб чиқкан ҳолда пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизими такомиллаштирилди.

Ўзбек пахтасига нисбатан бойкот тугатилди

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат буюртмаси тизимидан давлат захираси тизимига ўтилди.

Ушбу ислоҳотлар натижасида пахта ва буғдой етиштирувчи фермер хўжаликлари 2020 йилдан бўён маҳсулотларини бозор нархларидан

келиб чиқкан ҳолда сотиб, моддий манфаатдорлиги ва даромадлари орти бормоқда.

2020 йилда бошланган пандемия ва у билан боғлиқ чекловлар оқибатида юзага келган муаммоларга қарамасдан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат сектори барқарор ривожланышда давом этди. 2021 йилда қишлоқ хўжалигида 2020 йилдаги 2,9 фоизга нисбатан 4 фоизга ўсиш кузатилди.

2021 йилда агросаноат соҳасида 247 триллион 474,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу мамлакат иқтисодиёти ялпи қўшилган қийматининг 36,3 фоизини ташкил этади.

Кейинги йилларда амалга оширилган жадал ислоҳотлар ва эришилган натижалар қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигига ёрқин акс этаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибиз. Қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг қиёфаси тобора янгиланиб, шаҳар тусини олаётганилиги, юртимизнинг ободлиги ва дастурхонимиз тўкинилиги давлатимиз томонидан юритилаётган ҳалқпарвар сиёсат самараси эканлиги халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилаётir.

Биргина мисол, жорий йилнинг 10 мартаидаги “Cotton Campaign” халқаро коалицияси ўзбек пахтасига нисбатан бойкот тугатилганини расман эълон қилди. Шу тариқа юртимиз пахта хомашёси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларга кўйилган тақиқ бекор бўлди.

Юқорида қайд этилган таҳлил ва далиллар давлатимиз раҳбари раҳнамолигига қишлоқ хўжалигига изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин натижасидир. Жорий қилинаётган фан-техника ютуқлари, илгор технологиялар берадиган натижага, соҳа ривожи учун яратилаётган имкониятлар ва имтиёзлар яқин йилларда ҳаётда ўзини янада яққол намоён эта бошлайди. Зотан, барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳаси юртимиз ободлиги ва ҳалқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим бўғин бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси,
Бунёд БАЛЛАСОВ,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч докторантни.



Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

Барча юртдошларимизни, жумладан, сув хўжалиги тизими мутахассис-ходимларини она Ватанимизнинг Энг улуғ ва энг азиз байрами – Истиқдолнинг 31 йиллиги билан қизғин муборакбод этади!

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек эзгу саъй-ҳаракатларингизда ғайрат-шижоат ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайди. Бағрикенг халқимизга барча жабҳаларда юз берётган ўзгаришлар янада фаровонлик баҳш этсин!



cmyk

Дунё эътироғидаги олима

Мустақиллик – бу олий неъмат. Айнан давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биз ҳалқ ҳўжалигининг барча соҳаларида, илм-фандагатта да китобга ютуқларга эриша бошладик. Давлатимиз раҳбари таъбери билан айтганда. Учинчи Ренессанс пойдеворига асос солдик.

Бугунги сұхбатдошимиз мамлакатимиз илм-фанига, шон-шұхратига муносиб ҳисса құшиб келәётгап юртдошларимиздан бири, фан олами фиғойиси, шарқ аёлларига хос шиқоатни, масъулияттілікни ўзида мұжассамлаштырган олима, "Дүстлік ордени" соғыбаси, Тошкент ғавлат техника университети "Метрология, техник жиҳатдан тартибға солиш, стандартлаштыруш ва сертификациялаштыриш кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Парахат Матякубовадир.



— Сұхбатимизни шундай сабол билан бошласак: илмга бўлган қизиқиши, интилиш Сизда қачон уйғонган?

— Менинг қалбимда мактабда ўқиган давримда ёқ илмга муҳаббат бор эди. Айнан шу түйғу мени Урганч давлат университети даргоҳига етаклади. Мен 1991 йил, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк иили, Урганч давлат педагогика институтининг "Умуминженерлик фанлари" кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш фаолиятимни давом эттиридим. 1993 йилда эзгу ниятларимни амалга ошириш мақсадида Тошкент Дағлат Техника университетининг аспирантурасига кириб, илмий изланишлар олиб бордим ва 2000 йил техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Дон маҳсулотларининг электропроприетар параметрларини назорат қилиш тизимларининг аниқлик тавсифларини яхшилаш» мавзусида диссертация ишимни ҳимоя қилдим.

Кейинги илмий фаолиятингиз қандай кечди?

— Диссертацияни ёқлаб бўлар эканман, кейинги фаолиятим бевосита педагогика билан чамбарчас боғланниб кетди. Чунончи, мен 1997 йил иш фаолиятимни Урганч давлат университети "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси доценти лавозимида давом эттиридим. Педагог сифатида фаолият юритар эканман илмга бўлган интилиш имконийларини бермас эди. Натижада, 2003 йили ТДТУнинг "Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш" кафедрасида академик Н.Юсупеков раҳбарлигига докторантурага қабул қилинди. 2009 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун «Дон маҳсулотларини намлиқ-иссиқлик билан қайта ишлашда параметрларни

назорат қилиш усуслари ва техник воситалари» мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилдим.

— Илмий-педагогик фаолиятингизда яна қандай ютуқларга эришдингиз?

— Авваламбор, илм-фандагаттада бўладими, педагогик фаолиятимда бўладими, кўйингки, ҳаётимда нимага эришган бўлсанам, барчасини мустақиллик шарофати деб биламан. Бугунги кунда кафедра мудири сифатида «Автоматлаштырилган ва интеллектуал ўлчаш воситалари», «Ўлчаш воситаларини қиёспаш ва калибрлаш», «Ўлчаштарнинг физикавий асослари» фанларидан маърузалар ўқийман. Бир вақтнинг ўзида устоз-шогирд йўналишида фаолият олиб бораман. Ютуқларимга кепадиган бўлсанак, мен Украина давлат "Метрология" академиясининг ҳақиқий аъзосиман. Жанубий Корея Республикасида ўтказилган XII Корея Халқаро Ихтирочи Аёллар Кўргазмаси "KIWIE-2019"да ўз ихтиrolарим билан иштирок этиб, Олтин медални кўлга киритганман. 2020 йилда ҳам XIII Корея Халқаро Ихтирочи Аёллар Кўргазмаси "KIWIE-2020"да ўз ихтиrolарим билан муваффақиятли иштирок этиб, яна Олтин медал голиби сифатида эътироғ этилдим. 2021 йилда бўлиб ўтган кўргазмада менинг «Суюқ материал намлигини назорат қилиш курилмаси» номли лойихам халқаро эксперталар томонидан ўрганилиб, юқори баҳоланди ва ташкилий кўмита томонидан "KIWIE - 2021" танловининг маҳсус соврини (Гран-при) ва Олтин медаль олишга мусажар бўлдим. Бундан ташқари, Канада давлатининг Торонто шаҳрида IV Халқаро ихтирочилар инновациян кўрик-танловида иштирок этиб, Олтин медаль совриндори бўлиб, "Йил мутахассиси" деб тан олиндим. Нокамтарликка йўймайсиз, албатта, менинг илмий ишларим, шунингдек, Руминия,

Саудия Арабистони, Таиланд ва Россия давлатларининг олимлари томонидан эътироғ этилиб, диплом ва медаллар билан тақдирланган.

— Ҳар қандай илмий иш пировардидаги амалий натижа ётади. Илмий изланишларнинг асл моҳияти ҳам айнан шунда деб биламан. Шу нуқтаи на зардан ўз илмий фаолиятингиз бўйича нима дея оласиз?

— Фикрингизга тўлиқ қўшиламан. Илмий ишларимнинг амалиёт билан уйғунлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, шу кунга қадар 7 та патентга эга бўлганлигимни, 250 га яқин илмий мақола ва тезисларим ҳамда 32 та ўкув-услубий кўлланмаларим чоп этилганлигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар Марказининг қатор илмий лойиҳаларида катта илмий ходим сифатида қатнашганман. Ҳозирда менинг раҳбарлигимда "Ўкув жиҳозлари ва анжомлари хавфсизлиги" бўйича техник регламент ишлаб чиқилмоқда.

— Сұхбатимиз мамлакатимиз мустақиллиги куни арафасида бўлаётгандиги муносабати билан журналхонларимизга тилакларингиз.

— Мустақиллик куни халқимиз томонидан кенг нишонланадиган энг катта байрам десам, муболага бўлмайди. Ушбу айём билан табриклар эканман, барчага сиҳат-саломатлик, тинч ва мусаффо осмон, фаровон ҳаёт тилаб қоламан.

— Биз ҳам Сизни ушбу улуғ айём билан муборакбод этиб, келгусидаги илмий-педагогик фаолиятингизда янада катта зафарлар тилаб қоламиз.

Сұхбатдош: ўз мухбиримиз Азамат ТОИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ШВЕЙЦАРИЯ: ҲАМКОРЛИККА ЗО ЙИЛ

**Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигига
нинг Ўзбекистондаги вакили Раҳель БЁШ хоним билан
сұхбат.**

– Швейцария 30 йилдан бүён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келади. Швейцариянинг яқинда қабул қилинган Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган янги стратегиясида бу борада янги йўналишлар, янги вазифалар белгилаб берилган. Дастрраб, шу стратегиянинг йўналишлари ҳақида фикрларингизни тингласак.

– Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган янги стратегия Швейцария ҳукуматининг кўп йиллардан бүён Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистонда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари қанчалик муҳим аҳамият касб этишини амалда яна бир бор тасдиқлади. Марказий Осиё бўйича ҳамкорлик доирасида айнан Ўзбекистонга устуворлик берилишига қарор қилинди. Шу мақсадда йўналишларни қенгайтириб, бюджетни икки баробарга оширедик.

Янги стратегияда учта жиҳатга асосий эътибор қаратилган. Булар: сув инфратузилмаси ва иқлим ўзгариши; бошқарув, инсон ҳукуклари ва хизматлар кўрсатишини рағбатлантириш; инклузив ва барқарор иқтисодий ривожланиш. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринники, мазкур устувор йўналишлар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан ҳамоҳангиди.

– Швейцария анча йиллардан бүён Ўзбекистонни тематик соҳа, яъни сув инфратузилмаси ва иқлим ўзгариши ҳамда иқлим ўзгаришларига мослашувчан сув ресурслари бошқарувини илгари суришда қўллаб-куватлаб келади. Ҳозирда бу йўналишда қандай лойиҳалар амалга оширилмоқда?

– Сув – Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун муҳим ва асосий ресурс ҳисобланади, чунки жами қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи, яъни ЯИМнинг 28,8 фоизи суфориладиган ерларда, республика бўйича 27 фоиз ишчи кучини жалб қилган ҳолда етиширилади. Афсуски, кейинги йилларда Марказий Осиё минтақаси давлатлари сув ресурслари билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Бир томондан, сув таъминоти сезиларли даражада камайган бўлса, иккинчи томондан, ушбу қимматбаҳо манбага талаб ортиб бормоқда.

Швейцария Ўзбекистон ҳукумати билан миллӣ сув секторини испоҳ қилиш жараёнини қўллаб-куватлашда жуда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биз СРИБ тамоилилларига асосланган сув секторининг кенг қамровли стратегик ва меъёрий асосини яратишда учта йўналишда кўмаклашмоқдамиз: биринчиси – Сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқишида, иккинчиси – Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тайёрлашда қўмаклашдик, учинчиси – Сув кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишида амалий ишлар олиб борилаятти. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчasi СРИБни амалга оширишга қулай муҳит яратиш учун сув секторини испоҳ қилиш жараёнининг ўта муҳим қисми саналади. Бу саъй-ҳаракатлар давом этади.

Швейцария кўмагининг яна бир йўналиши сувни тежай-



диган технологияларни (СТТ) бутун мамлакат бўйлаб тарғиб қилиш ҳамда янги АКТ воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этишдан иборат.

Сув ресурсларини бошқариши рақамлаштириш сув ресурсларидан шаффоғ ва самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллӣ лойиҳаси доирасида жуда яхши ютуқларга эришиб келмоқдамиз: 2600 га яқин фермерлар СТТни жорий этишнинг ҳуқуқий ва техник жиҳатлари бўйича фермерларга кўмак бериш мақсадида Сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорлиқда ташкил этиладиган мавсумий амалий дала семинарларидан иштирок этишиди. 2021 йил якунига келиб фермерларнинг 13%, яъни 10500 нафари 225000 гектар майдонларда СТТ дан фойдаланишни йўлга кўйишиди. Натижада, СТТ жорий этилиши ҳисобига республика миқёсида сув исъемоли гектарига 16,7 фоизга камайиб, маҳсулот этишириш эса 3,7 фоизга ошган. Бошланиши учун бу катта муваффақият бўлиб, умид қиласанки, келажакда янада кўпроқ фермерлар СТТдан фойдаланишга ўтадилар.

Сув ҳўжалиги соҳасида аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича самарали ҳамкорлиқни қайд этиш жоиз. Инновацион СТТни жорий этиб, ўз худудида етакчига айланган аёл фермерлар ҳақида ажойиб мисолларни келтириш мумкин. Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллӣ лойиҳаси доирасидаги тадбирларга Ўзбекистоннинг барча 13 та худудидан 500 нафардан ортиқ қишлоқ аёллари қамраб олиниб, уларнинг суфоришда сувдан фойдаланиш самарадорлиги ҳақида билимлари оширилди.

ТОМЧИ иловаси, яъни ютуб ва телеграм ижтимоий тароғидаги саҳифаларнинг жами 10.000 нафардан ортиқ обуначига эга контент яратилди. Гурухнинг яратилишига олиб келди. Шу орқали жамоатчиликнинг катта қисмини сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича билимларини ошириш ҳамда СТТларни жорий этиш тўғрисида батафсил маълумот бериш ва тарқатиш, энг муҳими, обуначилар билан онлайн муроқбат қилиб, муаммоларини ҳал этишда ёрдамлашиш имконияти яратилди.

Швейцария билан ҳамкорликнинг Ўзбекистондаги иккинчи йўналиши “Қишлоқларни сув билан таъминлаш ва канализация тизими” деб номланган лойиҳа орқали ичимлик суви ва канализация тизимига уланишни қўллаб-куватлашдан иборат. “Қишлоқларни сув билан таъминлаш ва канализация тизими” (ҚСТКТ) лойиҳаси ҳозирда бутун мамлакат бўйлаб муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мисол келтирадиган бўлсак, Сирдарё вилоятида масъул идоралар билан ҳамкорлиқда янги насос станцияси барпо этилди, бу эса 300 мингдан ортиқ аҳолини кунига 24 соат,

ҳафтасига етти кун тоза ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу каби Ўзбекистонда СРИБни амалга оширишга кўмак бериш бўйича мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Минтақавий ва трансчегаравий муаммоларга ечим топиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Швейцария сув ва иқлим ўзгариши мавзуларида бир қатор дастурлар орқали минтақавий масалаларда иш олиб боради. Бунга мисол қилиб, биз гидродипломатияни тарғиб этувчи ва чегаралар, секторлар ва авлодлар бўйлаб сув соҳасида ҳамкорлик қилиш учун восита ва тажрибаларни тақдим этувчи Blue Peace ташаббусини келтириш ўринли. Швейцария Европанинг сув минораси ҳисобланиб, бизда трансчегаравий сув соҳасида ҳамкорлик бўйича кўп йиллик тажриба ва амалий қўнималар мавжуд. Марказий Осиёда сув ва иқлим ўзгариши масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши минтақадаги осойишталик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун муҳим омил саналади.

Сув испоҳотидаги узоқ йиллик ва муҳим иштирокимизга асосланиб, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Швейцария ҳукумати ривожлантириш бўйича ҳамкорларни умумий мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

– **Швейцария, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган испоҳотлар жараёнини ҳам кўллаб-кувватлади. Бу борадаги асосий ютуқ ва натижалар нималардан иборат?**

– Швейцария йигирма йил давомида сув соҳасида фаол бўлиб келмоқда. Ушбу муҳим саъй-ҳаракатнинг бир қисми сув сектори учун қўнималарни ривожлантириш ҳисобланади. Илгарироқ биз бу борада сув хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи колледжлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, сув хўжалигига оид касблар бўйича ўқув дастурлари ва стандартларини ишлаб чиқдик.

Ҳозирги кунда аҳолисининг 60 фоиздан ортигини 30 ёшгача

бўлганлар ташкил этувчи Ўзбекистон учун сифатли таълим ва малака зарур саналади. Ҳақиқий қийинчиллик шундан иборатки, бир томондан, ҳар йили 680 000 га яқин ёшлар меҳнат бозорига кириб келса, бошқа томондан, мамлакатда малакали ишчиларга эҳтиёж юкори. Ўзбекистон ҳукуматининг сўровига биноан Швейцария ҳукумати касб-хунар таълими тизимини испоҳ қилиш борасида олиб бориладиган ишларни янги лойиха орқали қўллаб-кувватлади. “Касб-хунар таълими ва кадрлар тайёрлаш (VET) соҳасини испоҳ қилишини қўллаб-кувватлаш” лойихаси (КТКТИҚЛ) кўнімаларни ривожлантириш бўйича касб-хунар таълими тизимини испоҳ қилишнинг умумий комплекс тизимига, кадрлар тайёрлаш сифатига, иш ўринларини яратишга ва энг муҳими, хусусий секторни жалб қилишга қаратилган.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси доирасида биз тўққизта сув хўжалигига ихтисослашган касб-хунар коллежи учун сувни тежайдиган технологиялар бўйича янги курсни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўқувчиларнинг фаол билим олишларини ривожлантириш мақсадида тегишли кўргазмали участка ва лабораториялар билан жиҳозлашни кўллаб-кувватлаб келмоқдамиз. Биз буни фаол билим олишнинг ёрқин мисоли деб ҳисоблаймиз ҳамда янада кўпайишини истаймиз.

– **Суҳбатимиз Ўзбекистон ва Швейцария ўртасидаги ҳамкорликнинг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳалқига тилакларингиз?**

– Швейцария ҳукумати Ўзбекистон билан ажойиб муносабатлар, ҳамкорлик ва шериклик алоқаларини йўлга қўйган. Мана шу жараёнда ҳамкорликдаги муҳим испоҳотларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириб, уларни амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшишни асосий вазифамиз деб ҳисоблайман. Ўзбекистон ҳалқига эса янада фаровон ҳаёт тилайман, ҳамкорлигимиз бардавом бўлсин!

Суҳбатдош: *Матлуба МУҲАМЕДОВА*.



Бунёдкор ҳалқимизни, ирригация ва мелиорация соҳаси ходимларини асрий орзу-ниятларимиз ушалган кун –

1 сентябрь – Мустақиллик айёми

билан самимий муборакбод этамиз. Она юртимиз янада чирой очиб, хонадонларимизда тинчлик-тотувлик, фаровонлик ва файзу барака доимо барқарор бўлишини тилаймиз.

Истиқол қуёшли диёримиз узра мангу нур сочаверсин!

**Зарафшон ирригация тизимлари
хавза бошқармаси қошидаги
насос станциялари ва энергетика
бошқармаси жамоаси**





**Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари
ҳавза бошқармасининг “Туятортар-Қли” ИТБ
жамоаси**

Барча юртдошларимизни

Истиқлолнинг 31 йиллиги

билин қутлайди.

*Азиз юртдошлар! Янги Ўзбекистонни барпо этишдек
эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз баракали бўлсин!
Мустақиллик байрамингиз муборак!*





КЕЛГУСИ ЙИЛГИ МҮЛ ҲОСИЛ УЧУН

Бошоқли дон экинларини экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш лозим

Дунё миқёсида глобал иқлимининг ўзгариб бораётгани, турли экологик муаммолар сабабли бошоқли дон экинлари навларининг морфо-физиологик ҳолатлари ҳамда уларда кечадиган ирсият қонуллари, чангланиш, уруғланиш ҳолатлари ўзгариб бормоқда.

Республикамизнинг ўзгарувчан ва мураккаб тупроқ-иклим шароитида маҳаллий шароитларга мос, серхосил, дон сифати юқори, касаллик ва зааркундаларга чидамли бошоқли дон экинлари навларини яратиш, уруғчилигини ривожлантириш, турли тупроқ-иклим шароитида бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш агротехникасини ишлаб чиқиши ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш энг долзарб вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг тупроқ ва иқлим шароити ҳар хиллиги сабабли кузги буғдој етиштириш технологияси ҳар бир минтақанинг ўзига хос бўлишини тақозо этади. Республикамизда бошоқли дон етиштириш технологияси қуидагиларга асосланиши яхши натижা беради: Кузги буғдојни энг яхши ўтмишдош экинларидан кейин жойлаштириш, интенсив тиپдаги буғдој навларини экиш, тупроқни етарли миқдордаги озиқа моддалари билан таъминлаш, амал даврида табакалаштирилган ҳолда озиқлантириш, касаллик ва зааркундаларга қарши курашни ўз вақтида ўтказиша дончилликни ривожлантиришда дон етиштиришнинг илмий асосланган технологияси катта аҳамият касб этади.

Ўтказилган кўп йиллик илмий изланишларнинг кўрсатишича, мамлакатимиз сугориладиган майдонларида ҳосилдорликни 80-100 центнерга етказиш ва ундан ҳам ортириш имкониятлари мавжуд.

Янги яратилган ҳамда хорижий навларни республикамизнинг турли хил тупроқларида етиштириш агротехникасини инновацион технологияларга таяниб, мутахассислар томонидан тавсия этилган, яъни ғалла экиш, ерни сифатли тайёрлаш, нав танлаш, экиш меъёрларига ва муддатларига амал қилиш, ўз вақтида сугориб ғалла ниҳолларини ундириб олиш натижасида ғалладан юқори ҳамда сифатли дон ҳосил олишга эришилади.

Мамлакатимизда 2023 йил ҳосили учун жами 1 241 769 гектар, шундан 1186496 гектар сугориладиган, 55300 гектар лалми майдонларга бошоқли дон экинлари экилиши режалаштирилган. Бу борада экиш ишларини белгиланган муддат ва меъёрларда тез ва сифатли қилиб бажаришда мутасадди раҳбар ва мутахассислар, фермер хўжалик раҳбарлари қуидаги агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари керак бўлади.

Экиш олдидан тупроқнинг таъминланганлик даражасини ҳамда гектаридан 80-100 центнер ҳосил олишни инобатга олиб, соф ҳолда фосфорли (105-150 кг/га) ва калийли (70-100 кг/га) ўғитларнинг йиллик меъёрини 100 фоиз берилишининг энг мақбул муддат ва меъёри ҳисобланиб чиқлади.

Кўп йиллик таҳлиллар шуни кўрсатадики, фосфорли ва калийли ўғитлар билан ўғитланмаган майдонларда вегетация давридаги гуллаш, сут, мум пишиш даврида фосфор танқислиги туфайли бошоқлар тўлиқ шаклланмасдан, бошоқдаги доннинг 20-30 фоизи пуч бўлиб қолишининг ҳамда ўсимликнинг ётиб қолишига мойил бўлиб қолишига олиб келади. Бунинг натижасида 1000 дона доннинг вазни 40-42 грамм ўрнига 30-35 граммга тушиб қолиши билан бирга ҳосилдорликнинг 15-20 центнергача камайиб кетишига сабаб бўлади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерлари шароитида кузги буғдој учун ўтмишдош экин сифатида ўзга, кўк масса учун маккажӯхори, дон учун маккажӯхори ва охирги йилларда кунгабоқар экиладиган майдонлар ҳам кенгайиб бормоқда.

Келгуси йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини жойлаштириша экинлар алмашлаб экилишига амал қилинишига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Айниқса, очиқ майдонларга ғалла экишда жорий йилда ғалладан бўшаган майдонга такрорий экин сифатида дуккакли дон экинлари экилган майдонларнинг танланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки дуккакли дон экинлари экилган майдонларда тупроқ унумдорлигини бошқа экинлар экилган майдонларга нисбатан юқори бўлиши ва шу майдонларга экилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги 10-15 фоизга юқори бўлиши илмий тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Кейинги йилларда Республикамизда июн-июл ойларида бўладиган иссиқнинг май ойининг иккинчи ўн кунлигига кузатилаётгани учун кузги бошоқли дон экинларининг чангланиши ва дон шаклнанишига салбий таъсир этмоқда. Натижада, бошоқдаги бошоқчаларда дон тўла шаклланмасдан, яrim пуч бўлиб қолиши ҳолатлари кузатилиб, ғалла ҳосилининг паст бўлишига асосий сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар барча ғалла майдонларида бир хилда эмас, қайсики минтақа учун мақбул муддатларда экилган ғалла майдонларида, яъни совуқ тушгунга қадар туплаган ҳолда қишлошга кирган ўсимликлар илдиз тизимининг бақувватлиги, ер юзасининг ўсимликлар билан тўла қопланганлиги хисобига тупроқдаги мавжуд захира намлиқдан ўсимликларнинг тўла фойдаланиши ҳамда ғалла парваришида инновацион технологияларнинг кўпланилиши натижасида жойларда ғалладан юқори ҳосил

олиб келинмоқда.

Шунинг учун Республикаизда бошоқли дон экинларини экиш муддат ва меъёрларига минтақа тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши тақозо этилмоқда.

1) Республикаизнинг шимолий минтақаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида бошоқли дон экинларини экиш муддатлари 15 августдан 15 сентябрғача мақбул муддат ҳисобланади.

2) Жанубий минтақа: Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда марказий минтақа: Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона водийси: Андикон, Наманган, Фарғона вилоятлари тупроқ-иқлим шароитларида бошоқли дон экинларининг энг мақбул экиш муддатлари сентябр ойидан то 5 октябрғача ҳисобланади.

Республикаизнинг турли иқлим-тупроқ шароитларига кузги бўғдой навларини жойлаштиришда навларнинг билогик хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш юқори ҳамда сифатли дон олишини таъминлади.

Бошоқли дон экинларининг кечки, ўртаки кечки навларидан "Юка", "Краснодарская-99", "Гром", "Гурт", "Безостая-100", "Антонина", "Алексеич", "Аср", "Ўзбекистон-25", "Зимница", "Таня", "Первица", "Грация", "Васса", "Бригада", "Андижон-2", "Давр", "Ўзбекистон-25", "Азиз", "Навбахор", "Қадр", "Нодир", "Хиссарак", "Жасмина" навларини экиш муддатларини 15 август-20 сентябр муддатларда, интенсив тиддаги эртапишар "Старшина", "Есаул", "Еленчек", "Веха", "Чиллаки", "Марс-12", "Бобур", "Андижон-4", "Звезда", "Ёғду", "Аср-Чилгиси", "Яксарт", "Замин-1", "Семрг", "Фозон", "Бунёдкор", "Туркистон",

"Дўстлик", "Тезпишар", "Қўқбулоқ", "Ҳосилдор" навларини эса экишнинг кечки муддатларида 20 сентябрдан 5 октябрғача экиш максадга мувофиқиди.

Falла экиш меъёрлари ва экиш муддатлари ўз вақтида белгиланиб, falла экишга киришилганда уруғ меъёри хар гектарига уруғликнинг минг дона дон вазнига қараб 200-220 кг дан сарфланиши ёки бир гектар майдонга 4.5-5.0 млн унучан уруғлик сарфланиши лозим. Агар экиш муддатларидан кечикилсагина гектарига экилаётган уруғлик миқдори 15-20 фоизга оширилиши лозим.

Мамлакатнинг шимолий минтақасида доимий юз бериб турадиган ва айрим йилларда барча минтақаларда бўлиб турадиган кескин ҳаво ҳароратининг паст даражага тушишига чидамли навларни яратиш ва бор бўлган навлар тўғри танлаб экилиши керак. Бу борада олимлар томонидан қисқа муддатли совуқга ва иссиққа чидамли бўлган бир қатор навлар танланиб, ишлаб чиқаришда экишга жорий қилинган. Бироқ ушбу навларни экиш муддатларига тўлиқ риоя қиласлик натижасида, ҳосилдорлик имконияти 80-100 центнерни ташкил этадиган бошоқли дон экинларидан кўзланган даражадаги ҳосил олинмаслигига сабаб бўлмоқда. Агар ушбу белгиланган экиш муддатларига ҳамда фалла парваришида кўлланиладиган агротехника талабларига қатъий амал қилинса, 2023 йилда фалладан мўл ҳосил олишга эришилади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
қ.х.ф.д., профессор, РФА академиги,
Илҳамжон ЭГАМОВ,
қ.х.ф.д. катта илмий ходим,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.

ТАВСИЯ

МАШИНА ТЕРИМИ – ИШНИНГ УНУМИ

**Республика пахта-тўқимачилик
кластерлари ва фермер хўжаликларида
етиширилган пахта ҳосилини замонавий
машиналар ёрдамида териб олишда
салмоқ ва сифатни ҳар йилдагига қарагандা
кескин оширишга доир аниқ амалий чоралар
қўрилмоқда.**



Илфор фермерлар бир кунда 20 тонна пахта терадиган машина ҳар бири 50 кг. дан терадиган 400 нафар ишчининг ўрнини босишини, кўл теримининг фартук, тошу тарози, ҳар далага битта трактор ва тиркама, одамларни ташибидиган автобус топиш каби ортиқча ғалваларга чек қўйишини яхши биладилар. Бундай фермерлар сафи бу йилг мавсумда янада кенгайишига ишончимиз комил.

Кластерлар агрономлари фермерлар ва туман "АгроСервис МТП" муҳандислари терим бошланишидан олдин машинабон пахта майдонларини танлаб олишлари зарур.

Энг аввало, далаларда дефолиация тадбири сифатли

бажарилган бўлиши керак. Чунки ўзга тупларига кимёвий препаратлар сепиш, яъни дефолиациялаш орқали баргларни сунъий тўқтириш кўсакларни очилишини тезлаштиради, пахта ҳосилдорлиги ва тола чиқимини оширади, лўппи-лўппи чаноқлардан оппоқ гулдасталар ясад, далани машина теримига тайёрлаб беради. Бу пахта-тўқимачилик кластерларига айниқса кўл келади. Зеро, сифатли ва пишган пахта қайта ишлашга мос, толаси пишиқ ва узилмайдиган, чигити эса тўқ бўлади.

**Майдонлар қуйидаги талабларга жавоб берishi
керак:** ўзга дефолиацияси сифатли ўтказилган; қатор

оралиғи кенглигининг амалданған четланиши күпі билан ± 3 см; пушталарнинг чўққиларида 5 см. дан катта йирик кесаклар бўлмаслиги лозим; ғўза тупларининг баландлиги 80-100 см атрофида; терим олдидан ғўза баргларининг тўклиш даражаси энг камидаги 85-90%; ғўза тупларидаги қўсакларнинг очилганлик даражаси 80-90%; даланинг боши ва охирида машинанинг қайрилиши учун тайёрланган текис майдончанинг кенглиги энг камидаги 10 метр; ҳамма ўқариқлар ва бешамаклар сифатли текисланган бўлиши шарт; дала контурларининг шакли тўғри тўртбурчак (конверт) кўринишига келтирилган (машинанинг иш унуми ва кўрсаткичлари ортади); алоҳида контурларнинг майдони машинанинг бир кунлик иш унуми (4-6 гектар)га тенг, узунлиги энг камидаги 500 метр (машина кун давомида бир даланинг ўзида ишлайди, қайрилиш ва бурилишларга кўп вақт сарфланмайди); далалар бегона ўтлар, айниқса, ғўзага ўралиб ўсувчи ўсимликлардан (масалан, печакдан) тоза (шпинделлар тез кирланмайди, уларни тозалаш осонлашади).

Вертикал шпинделли машиналарнинг энг муҳим ростлаш кўрсаткичлари ва уларнинг қийматлари қўйидагилардир: аппарат пастки рамкасининг ерга нисбатан нопараллеллиги, кўпі билан ±5 мм; жуфтлиқда ишловчи шпинделли барабанлар орасидаги иш тирқишининг пастки ва юқориги қисмларида кенгликлари ўртасидаги фарқ, кўпі билан 2 мм; жуфтлиқда ишловчи шпинделли барабанлар шпинделларининг ўзаро шахмат тартибида жойлашувидан четланиши, кўпі билан ±6 мм; жуфтлиқда ишловчи шпинделли барабанлар орасидаги иш тирқишининг қийматлари: олдинги жуфтлик учун 26-40 мм ва кейинги жуфтлик учун 22-36 мм; аппарат эшикласи билан олдинги ажраткич чўткаларининг қиллари орасидаги тирқиши кенглиги 5-7 мм.

Горизонтал шпинделли машиналарни ростлаш: аппарат баландлигини бошқарадиган ричагли механизм шундай созлансинки, бунда баландликни автоматик бошқариш тизими иш жараёнида аппаратни пушта устидан доимо 12 мм баландлиқда ўтишини таъминлансан; ғўза тупларини шпинделларга қисиб (босиб) берувчи шчиток юзаси билан шпинделларнинг учлари орасидаги масофа 6,5-7 мм бўлиши шарт; меърида созланган пахта ажраткич дисклари шпинделларга уларнинг узунлиги бўйича бирдек ва оҳиста тегиб туриши лозим (тирқиши кенглиги: 0,1-1 мм); ҳамма чўтка-намлагичлар шпинделлар сиртларини тўла қоплаши керак. Шпинделларни яхши тозаланиши учун чўтка-намлагичга келаётган тозалоччи суюқлик миқдори етарли бўлиши керак. Ғўза туплари ва чаноқлардаги пахтанинг намлиги юқори бўлса, суюқликни камроқ ишлатиш тавсия этилади.

Пахта ҳосилини машинада териш қоидалари: қаторларга кириш олдидан аппарат ва вентиляторлар ишга туширилади ва зарур тезлик узатмаси қўшилади. Двигател энг катта тезлиқда ишлашга қўйилади; аппарат иш ҳолатига туширилади. Қайрилиш жойларида охирги ғўза туплари бошқарилувчи ғилдираклар билан тенглашгандан кейингина машинани оҳиста ва равон қайриши керак; даланинг бошида ғўза тўплари аппарат иш тирқишига тўппа-тўғри кириши лозим. Пайкаллардан

чиқаётганда охирги ғўза тупи иш тирқишидан ўтгандан кейингина, двигателнинг айланиш частотасини камайтириш мумкин; терим аппаратининг баландлиги ғўза тупидаги пастки қўсакларнинг пахтаси тўла териладиган, барабанларнинг пастки дисклари эса пуштага тегмайдиган қилиб ўрнатилади. Механик-ҳайдовчи аппарат рамкаси тупроқни сидирмаётганини ва катта кесаклар иш тирқиши олдини тўсмаётганини доимо кузатиб бориши керак; қабул камералари тикилиб қолганда машина, аппарат ва вентиляторни дарҳол тўхтатиб, тикилган нарсаларни олиб ташлаш, носозликларни бартараф этиш лозим. Қабул камераси тикилиб қолганда иш давом эттирилса, пахта ерга кўп тўкилади, шпинделларга пахта ўралашади ва ажратгичлар синиб кетади; шпинделлар сатҳи шира босмаган ва пахта толалари билан ўралмаган – тоза бўлиши лозим. Шпинделлар ифлосланганда уларни босим остидаги сув билан ювиб – тозалаш шарт. Акс ҳолда, машинанинг агротехник кўрсаткичлари 3-4 фоизга пасайиб кетади; бункер пахта билан тўлганда дарҳол бўшатиш лозим. Бункери кўтарилиган машинани юргизиш қатъяян ман этилади; қаторлардан чиқишида, пахтани бўшатишида, бир даладан бошқа далага ўтишда ва йўлда юрганда аппаратлар транспорт ҳолатга кўтарилади. Машинани узоқ масофага ҳайдаб боришида терим аппаратларини транспорт ҳолатга кўтариш ва уларни тирак ёрдамида қимирламайдиган қилиб қотириш керак. Шунда аппаратлар ўз-ўзидан ерга тушиб кетмайди.

Машинада содир бўладиган носозликларни даланинг ўзида бартараф этиш учун кўчма устаҳонада мотор мойи, тормоз суюқлиги, электр системасининг лампалари ва сақлагичлари, турли ўлчамлардаги шпонкалар ва шплитлар, изолацион лента каби деталлар ва материаллар ҳамда тозалагич чўтка, шпинделларни тўғри айлантирувчи тасмаларни ечадиган ва ўрнатадиган илгак, шчуп, зарур гайкали ва торең калитлар, монтировка сингари асбоб-ускуналар етарли миқдорларда туриши лозим.

Шуни доимо эсда тутиш лозимки, пахта териш машинасини бошқарувчи шахс оддий механизатор эмас, у – механик-ҳайдовчидир. Механик-ҳайдовчи нафақат машинани бошқаради, балки унинг қисмларини ғўза ва даланинг ҳолатига қараб ростлайди, иш жараёнида содир бўладиган носозликларни бартараф этади, машинага сменалик ва даврий техник хизмат кўрсатиш ишларини мустақил бажаради, энг муҳими, пахта териш машинасидек мураккаб техника воситасини самарали ишлата олади. Шу боис пахта териш машинасини фақат билимли, тажрибали ва ўз ишига масъулият билан ёндашадиган механик-ҳайдовчигагина ишониб топшириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, этиштирилган пахта ҳосилини машинада ёрдамида териб олиш салмоғи ва сифатини ошириш учун фермерлар, агрономлар, муҳандистехник ходимлар, механизаторлар ва сервис ходимлари ўзларининг билим ва тажрибаларини тўлалигича ишга солишлари лозим бўлади.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
техника фанлари доктори, профессор
ҚҲМИТИ .**



Юртдошларимизни, барча чорвадор ва ветеринарларни, энг улуғ айём – мамлакатимиз Мустақиллигининг 31 йиллиги билан қизғин муборакбод этишдан ифтихордамиз.

Бағрикенг халқимизга тинч ва фаровон ҳаёт ҳамиша ёр бўлсин!



Хоразм Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси жамоаси



МОДЕРНИЗАЦИЯ – ТЕЖАМКОРЛИК ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ



Республикаизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда илгор тажрибалар ва янги сугориш технологияларини қўйлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамият қасб этади. Бизга маълумки, сув насослари, сугорилиши оғир бўлган ҳудудларда катта вазифаларни бажаради.



Буунги кунда Қизилкүм саҳроси бағрида жойлашган Навоий вилоятининг сугориладиган ер майдонининг аксар қисми ҳам насос агрегатлари орқали сугорилади. Бунда Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида умумий 41 та насос станциялари, шулардан 31 дона сугориш насос станциялари, 4 та мелиоратив насос станциялари ва 5 дона яйлов сув таъминотига хизмат кўрсатувчи насос станциялар ҳамда 174 дона турли хил насос агрегатларини ўрни катта бўлмоқда.

— Насос станцияларимизнинг умумий сув чиқариш қобилияти 155,135 м³/секундни ташкил этади. Шунингдек, бошқармамиз тасарруфида умумий кудуқлар сони 232 дона бўлиб, Насос агрегатлари ва еrosti тик кудуқлар ёрдамида вилоядта 84,232 минг гектар экин майдонларини сув таъминоти яхшилишига эришилади. — дейди, Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси бошлиги Жасур Назаров.

Маълумки, сугориш тизимларининг насос станциялари энергия истеъмоли жиҳатидан катта бўлган обьектларидан бири ҳисобланаб, насос агрегатларининг энергия истеъмоли тежамкорлигини ошириш масалалари алоҳида аҳамият қасб этади. Шу мақсадда вилоядта катта энергия сифимли насос станцияларини энергиятежамкор иш режимларига ўтказиш ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида модернизация қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада Қуйи Зарафшон ИТҲБ қошидаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли йирик станцияларда реконструкция қилиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирга қадар

«Касаба», «Конимех-1» насос станциясини реконструкция қилиниб, натижада, Кармана, Навбаҳор ва Конимех туманларининг 24 минг 675 гектар экин майдонининг сув таъминоти яхшиланган ва 21 та янги иш ўрни яратилган. Албатта соҳада бу каби амалга оширилаётган ишлар пировардида, муҳим ресурс ҳисобланган энергия сарфи тежалиб, сув таъминоти борасида ҳам янги кўрсатикичларга эришилади ва натижада қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштириш кўламини ошишига ҳизмат қиласди.

Ана шу мушкул вазифа тизимда фаолият олиб борувчи ишчи-ходимларнинг зиммасида. Уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, уларга қўшимча моддий ёрдамлар ажратиш эса тизим раҳбариятидан ўзига яраша тадбиркорликни ва ишбилармонликни талаб этади. Бу борада Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ишчи-ходимларни қўшимча равишда рағбатлантириш мақсадида Хатирчи тумани “Кўксарой” маҳалла фуқаролар йигини худудида жами 15 гектар майдонга ёрдамчи хўжалик ташкил қилинган. Қизилтепа тумани худудида жойлашган “Навоий” насос станцияси атрофида ер майдонларидан 5 гектар ер майдони ўзлаштирилди ва 2022 йилда буғдой экилиб, 20 тонна ҳосил олинди ва ишчи-ходимларга тарқатилди. Шунингдек, “Ўртачул” насос станцияси атрофида ҳам 8 гектар экин майдони ўзлаштирилди, мевали боғ барпо қилинди. Хатирчи тумани худудидаги “Учқора” насос станцияси атрофида 1 гектар ер ўзлаштирилди токзор барпо қилинди. Бундан ташқари, насос станциялари худудларидаги экин экиладиган майдонларда ҳам қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, улардан олинадиган маҳсулотлар ҳар бир насос станциясининг ўз ишчи-ходимларига мунтазам тарқатиб келинмоқда. Албатта, бу каби амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад, авваламбор, қўшимча даромад олиш ва шу аснода ишчи-хизматчиларга қўшимча моддий кўмак кўрсатишдан иборат. Зоро, заҳматли соҳа вакилларининг юзи-кўзида буунги кундан мамнунлик, эртанги кунга ишонч зоҳир бўлиши энг муҳим омилдир.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиризим.

Суратда: Қуйи Зарафшон ИТҲБ қошидаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ходимлари.

БУНЁДКОРЛИК ФАРОВОНИК МЕЗОНИДИР

Маълумки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ерларнинг суғорилиш ҳолати муҳим ўрин тутади. Сув танқислиги борган сари глобал аҳамият касб этаётган бир паллада, ушбу муаммонинг таъсирини камайтириш, олдини олиш борасида суғориладиган ерларда тежамкорликка асосланган ирригация обьектлари тармоғини ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишини тақозо этади. Шу мақсадда жорий йилда Самарқанд вилоятида ҳам соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Самарқандсувқурилишинвест” Давлат муассасаси буюртмачилигига вилоятда 2022 йилда дастур асосида 12 та обьектда ирригация обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган.

Булардан 6 та йилдан-йилга ўтувчи ва 6 та янгидан бошланувчи ирригация обьектлари бўлиб, шундан 100 млн. м³, 1 та сув омбори қуриш, 0,25 км дамба қуриш, 32,49 км каналларни реконструкция қилиш ва 6,25 км коллектор тармоқларини реконструкция қилиш амалга оширилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги “Самарқанд вилоятида Булунғур сув омборини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, лойиҳачи ташкилот “UzGIP” масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси асосида, “Самарқандсувқурилишинвест” Давлат муассасаси буюртмаси асосида бунёд этилаётган, ҳажми 100 миллион метр/кубни ташкил этадиган мазкур сув омбори қурилиш ишлари 2023 йилда тугалланиши кутилмоқда. Мазкур сув омборининг ишга туширилиши билан Иштихон, Пайариқ ва Булунғур туманларининг 35,8 минг гектар сувли ва лалми ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган дехқон-фермерлари узлуксиз сув билан таъминланиши кутилмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги йилдан-йилга ўтувчи обьектлардан Қўшработ туманидаги “Оқчобсой” сув омборининг 2-босқич инекция ишлари, Ургут туманидаги “Янги Дарғом” каналини реконструкция қилиш обьектида, Самарқанд шаҳри ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги каналлар ҳамда коллекторлар тармоқларининг автомобил йўллари билан кесишган қисмларини реконструкция қилиш обьектида, “Самарқанд” ҳалқаро аэропортининг қайта реконструкция қилиниши ҳамда ҳудудининг

кенгайтирилишини инобатга олиб, “Фароч” каналининг 1,3 км қисми ва “Тошкичик” коллекторининг 3,6 км қисмини реконструкция қилиш обьектида ва Булунғур туманидаги “Бот-бот” каналининг 24,46 км.ни реконструкция қилиш бўйича бош пурратчи “Булунғурмаксуссувпурдат” МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, янгидан бошланувчи лойиҳалар асосида Пастдарғом туманидаги “Демишко” каналини реконструкция қилиш обьектида, Қўшработ тумани “Очабулоқ” қишлоғидаги гидротехник иншоотни реконструкция қилиш обьектида, Оқдарё туманидаги 2 та сувориш қудуқларини реконструкция қилиш обьектида, Иштихон туманидаги “Бўронхўжа” каналини реконструкция қилиш обьектида, Пайариқ туманидаги поток тармоғини реконструкция қилиш обьектида ва Оқдарё туманидаги “Шахоб” каналининг маълум қисмидаги гидротехник иншоотни реконструкция қилиш обьектларида ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, бу каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳудудларда сув таъминотини яхшилаш баробарида, пировардида, ҳосилдорлик ҳам муттасил ошиб боришига омил бўлади. Бу эса, ҳудудлар иқтисодий курдатини ошириб, минглаб иш ўринлари яратилишига, аҳоли турмуш фаровонлигига ҳизмат қиласи.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Чапдан, “Самарқандсувқурилишинвест” Давлат муассасаси раҳбари в.б. Воҳид Раҳимов, бўлим бошлиқлари: Аъзам Файзиев, Санжар Хўжановлар билан.





Сурхондарё сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси

Ватанимизнинг гуллаб-яшинашига муносиб
ҳисса қўшаётган меҳнат аҳдини Энг улуғ ва
энг азиз айём — **Мустақиллик куни**
билин чин дилдан табриклайди!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз янада обод,
тинч бўлсин. Хонадонларимизни тинчлик-
хотиржамлик ва фаровонлик, кўнгилларни
байрам шукуҳи асло тарк этмасин.



БИР ТОМЧИ СУВ ИЗИДАН

“Инсоннинг дарди-ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг
энг олий мезонидир”.
Ш.МИРЗИЁЕВ.



Тирикликнинг бебаҳо неъмати – сувнинг ўлкамиз ҳудудлари бўйлаб ҳаракати, мўъжизакорлиги ва қатор машаққатларини ирригация ходимлари –сувчиларимиз жуда яхши билишади.

Деҳқон далаларида кунни тунга уласа, сувчи ва миробаримиз дарёлар, каналлар, сув омборлари, насос станциялари ва бошқа турли сув иншоотлари, сув йўллари бўйлаб тинимсиз ҳаракат қиласидилар. Баҳорги, ёзги ва кузги табиий инжиқликлар, йилларнинг кечиши, сувга бўлган талабнинг ошиб бориши каби муаммолар ечимини топиш йўлида на уйку, на ором биладилар.

Бу галги сафаримиз сув тўлқинларида шиддатли ва беғубор, самимий Сурхондарё вилояти сувчилари ҳаётини ўрганишга бағишлианди.

“Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Тўлқин Алимов узоқ сафарда экан. Биз дастлаб унинг биринчи ўринбосари Отабек Мингқобилов билан мулоқотда бўлдик.

— Халқимиз қадимдан сув бўйларини макон қилиб, деҳқончиликни йўлга қўйган. Чорвачилик учун ҳам, деҳқончилик учун ҳам, борингки, ҳамма касб эгалари учун сув жуда зарур неъматdir. Баҳаво маскан, дарё бўйлари доимо киши эътиборини ўзига жалб қиласан, — дейди О.Мингқобилов. — 2017 йилдан бошлаб мамлакатимиз Президенти ва Сув хўжалиги вазирлиги томонидан анча йиллардан бўён соҳада ийғилиб келаётган муаммолар ечимини топиш учун кенг



Суратда: (чапдан) Жарқўргон сув тақсимлаш иншоотида мухандис-гидрометр Ботир Жўраев, участка бошлиғи Даvron Xоляров, мухандис-гидротехник Шуҳрат Қодиров ва Отабек Мингқобиловлар

кўламли дастурлар ишлаб чиқилиб, ишлар жадал бошлаб юборилди. Мъалумки, аксарият сув йўллари бизга қўшни мамлакатлар ҳудудлари орқали кириб келади. Президентимизнинг қўшни давлатлар билан ўзаро ташқи ва ички сиёсий масалалар бўйича олиб бораётган дўстона алоқалари боис сув ресурсларидан ҳамкорлиқда фойдаланишнинг кенг имкониятлари очилмоқда. Бу борада Қозогистон, Тоҷикистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан эришилган келишувлар Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида сув таъминотини яхшилаш, ўлкамизда сув тақчиллиги муаммоларини бартараф этишда кўл келмоқда.

Ангор, Жарқўргон туманлари ирригация бўлимларига боргунча сухбатимиз Тоҷикистон Республикасида меҳнат қилган сувчилар ҳақида бўлди. Негаки, бу ишларга Отабек Мингқобилов раҳбарлигидаги ишчи-ходимлар, қатор техникалар сафарбар қилинган. Тоҷикистонда жойлашган “Варзоб” дарёсидан сув олувчи “Катта Ҳисор” каналидан сув олиб келиш йўлидаги мешақатли меҳнатлар замираида ҳалқ эҳтиёжи учун шароит яратишга бўлган катта мақсадли вазифалар рўёби бор эди.

2018-2021 йиллар давомида бу каналнинг 51 км қисми 17 та экскаватор ёрдамида лойқадан тўлиқ тозаланиб, жами 652 минг куб метр тупроқ ишлари, “Қоратоғ” дарёсига сув ташлаш гидротехник иншоотида 2700 куб метр тош ва 1200 куб метр темир бетон ишлари бажарилди. Натижада, ушбу йиллар давомида Тоҷикистон ҳудудидан Сурхондарё вилояти учун суфориш ва носуфориш мавсумларида 686 млн. куб метр сув олишга эришилди. Бажарилган ишлар ҳисобига жами 65760 гектар майдон қўшимча сув билан таъминланди.

Қўшнимиз Тоҷикистонда бир томчи сув изидан олиб борган ишлари борасида фикр-мулоҳаза қиласан, Отабек Мингқобилов Тоҷикистоннинг гўзал манзарали табииати, одамлари, сувчиларининг ҳаёти ҳақида фойта ибратли ҳикоялар ҳам айтиб берди. Унинг табиатга шайдолиги ўз касбига бўлган меҳрини билдиради. Тўлқин-тўлқин оқаётган сув оқимиға тикилиб, томчилар изидан шиддат билан қадам ташлаётган сувчи нигоҳларида ўтган қийинчилеклар ва қувончли дамлар хотиралари жонланди, назаримда.

Сурхон сувчиларининг ҳаёти билан танишишда давом этдик. Ангор Сурхондарёнинг жанубида жойлашган иссиқ

иқпимли туман ҳисобланади.

— Туманимиздаги мавжуд 34400 гектар ер майдонларининг 21120 гектари суғориладиган ерлар “Занг” канали, “Учқизил” сув омборлари орқали сув билан таъминланади, — дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Шавкат Эшалиев.

Жарқўргон тумани ирригация бўлими бошлиғи ҚурбонмуратFaфаровни ходимлар билан сұхбатлашаётганда учратдик. Туманинг 27801 гектар умумий суғориладиган ер майдонлари 4 та – “Сурхон”, “Аму Занг”, “Занг”, “Боботоғ” каналлари орқали сув билан таъминлар экан.



Суратда: Жарқўргон ТИБ бошлиғи ҚурбонмуратFaфаров ходимлар билан сұхбатлашмоқда

649 км ички ариқлар, 388 та гидротехник иншоотлар, 649 та сув олиш қулоқлари мавжуд. 2020-2022 йиллар мобайнида “Сурхон” каналининг барча сув олиш қулоқлари таъмирланаб, бетонлаш ишлари бажарилган. 2021 йил охирида “Какайди” каналининг ғарбий қисмидан оқиб ўтвчи 640 метрлик канал тұлық бетонлаштирилди ва сув ташлаш қысмлари янгиланди. “Сурхон” каналига 4та янги ақпли сув қурилмаси ўрнатилди. Келгусида бошқа каналларда ҳам шундай қурилмаларни ўрнатиш режага киритилган.

Суғориш ишларida бош гидротехник Илҳом Халмұминов, бош гидрометр Жамила Нуралиева, маҳсус хизмат бўлими бошлиғи Абдураҳим Мустафоқулов, томчилатиб суғориш

бўлими бошлиғи Абдураҳмон Турдиев, иш юритувчи ДилфузА Раширова, диспетчерлар Мунаввар Муродова, Ҳамида Жаббарова каби фидойи ходимлар меҳнати бекиёсdir.

“Аму Занг” ирригация бўлими бошлиғи Турғун Қулмирзаевнинг ишчи-ходимлар билан ўтаётган бугунги куни сув иншоотларини сергаклик билан кузатишдан иборат эди. Бу ерда 135 нафар ишчи-ходим меҳнат қиласи. Бўлим таркибида туманлараро 5 та канал мавжуд бўлиб, жами узунлиги 181,3 километрни ташкил қиласи.

— 2022 йил суғориш мавсумида бош гидротехник Нурбек Жовлиев, канал бошлиғи Абдукарим Расулов, “Боботоғ” канали етакчи мутахассиси Абдулла Тўраев, “Занг” канали техник-гидрометри Эшиддин Ҳазратқулов, “Какайди” канали гидрометри Комил Юсупов, “Занг-9” канали бош мутахассиси Азамат Сармановлар жонбозлик билан хизмат қилдилар, — дейди “Аму-Занг” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д. Файзуллаев.

Жимирлаган сувга боқаман. Томчиларда ҳаёт аксининг нурланишидан кувватланган ва қўёшга интилаётган боғларга, сўлим дараҳтларга кўз тикаман. Ҳаммаси сув билан ҳаёт. Наботот оламининг барқ уриб яшнаши, яшashi учун бу неъматнинг ҳар зарраси қадрли. Оқаётган сув каби шижоатли сувчилар ҳаёти чизгиларини давом эттиришга ошиқаман.



**Суратда: Занг каналидаги Оқтепа сув омборида
Аму Занг ИТБ ва Жарқўргон ТИБ ходимлари.**

ЯНА АМУ-СУРХОН ИРМОҚЛАРИ БЎЙЛАБ

“Аму Занг II” доимий насос қурилмаси 1985 йилда ишга туширилган бўлиб, унинг умумий сув бериш қуввати секундига 128 куб метрни ташкил этади. Кўтариш баландлиги 43 метр, 79500 гектар ер майдонларига сув етказиб беради. Бир йилдан бўён участка бошлиғи бўлиб ишлаётган Алишер Жумаев соҳа бўйича 14 йиллик билим ва тажрибага эга.

— Ишчи-ходимларимиз сони 45 нафарни ташкил қиласи. Уч сменада бошқариладиган насос станциямиз орқали Жарқўргон, Қумкўргон, Ангор, Музработ туманлари сув билан таъминланади, — дейди у.



**Суратда: (чапдан) “Аму Занг II” насос станцияси
ходимлари Тўра Омонов, Тоғи Абдураимов, Ориф
Оқназаров, Илҳом Шокиров ҳамда “Аму Сурхон”
ИТБ биринчи ўринбосари Отабек Мингқобиловлар.**



**Суратда: “Боботоғ” насос станцияси бошлиғи
Чоршами Шотўраев ходимлари билан.**

“Боботоғ” насос станцияси Жарқўргон туманининг Узумзор маҳалласида жойлашган бўлиб, 8 та насос агрегатидан иборат. Секундига 4,5 куб метр сув чиқариб, Жарқўргон, Қумкўргон туманларининг 18000 гектарлик пахта, фалла, боф ва аҳоли томорқаларини сув билан таъминлайди.

— 40 йилдирки, сув хўжалигида ишлайман, йиллар қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолдим, — дейди “Боботоғ” насос станцияси бошлиғи Чоршами Шотўраев.

Ҳа, унинг йиллар давомида бир томчи сув қадрини излаган сокин чехрасида шогирдларига нисбатан меҳр, шу билан бирга, ишга нисбатан талабчанлик барқ уради.

Сувчиларнинг ҳар бир куни машақатли, маъсулниятли.

Улар аҳиллик билан ўз вазифасини адо этарканлар, табиат инжиқлекларидан чўчимай, мақсад сари интиладилар. Биз бу инсонларга омонлик ва баҳт тилаб, Мустақиллигимиз байрами билан уларни қутладик.

ТОМЧИЛАРГА ҚУЙИЛГАН КЎНГИЛЛАР

Қурғоқчиликка қарши курашиб, сув тақсимотини мўътадиллаштириш, аҳоли ва хўжаликларнинг бу олий неъматга бўлган эҳтиёжини қондириш доимий вазифаси бўлган сувчи аҳли тиним билмайди.

“Аму Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Аму Занг” ва “Занг” каналларини бирлаштириш билан бир қаторда Сурхон дарёсининг сел сувларини талофатларсиз ўтказиб юборишга ҳизмат қиладиган Жарқўргон сув тақсимлаш иншооти 1967 йилда қурилган. Унинг сув ўтказиши қобилияти 1000 куб метрни ташкил қилади.

— Сувни ўз вақтида етказиб бериш учун масъулмиз. Бизда 9 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади, — дейди участка бошлиғи Даврон Холёров.

Сурхондарё магистрал тизим бошқармаси Рустам Алимовнинг фаолияти билан танишар эканмиз, тизимда 116 нафар ишчи- ходим меҳнат қилаётгани, уларнинг шароитлари билан танишдик, уларнинг ўз ишига бўлган масъулниятидан хурсанд бўлдик.

Бу тизим учта йирик сув тақсимлаш иншоотини ҳамда “Тўпаланг”, “Сангардак”, “Хўжайпок”, “Оби заранг”, “Шеробод”, “Бандиҳон сой” ва сурхон дарёларидағи сел сувларини талофатсиз ўтказишига ҳизмат қилади.

Сурхондарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли “Жанубий Сурхон” сув омбори томон борар эканмиз, улуғвор ўлка табиати билан яна яқиндан танишдик. Бу сув омборидаги сувнинг 35-40 фоизи қўшни Тожикистоннинг “Қоратоғ” дарёсидан ва “Катта Ҳисор” каналидан келади.

Мазкур сув омбори 1958-1967 йилларда қуриб ишга туширилган бўлиб, тўлиқ сифими 800 млн. куб метрни ташкил қилади.

“Жанубий Сурхон” сув омборининг ҳажми “Батиометрик марказ” томонидан 2002 йилда қайта ўлчаб қўрилганда 503,0 млн. куб метрни ва фойдаланиш ҳажми 481, 75 млн. куб метрни, ҳамда ўлик сув ҳажми 21,25 млн. куб метрни ташкил қилган ва тасдиқланган. Бугунги кунда шу маълумот асосида сув омборида сувнинг келиши, чиқиши ва ҳажми ҳисобланмоқда.

— Ишда ҳамиша бир хиллик бўлмайди. Аслида мўл-кўл кўринган бу сувнинг ҳар бир томчиси биз учун ниҳоятда қадрли. Бизнинг касбдошларимиз сув қадрини, эъзозини, уни олиб келиш заҳматини яхши тушунади, — дейди Сурхондарё вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Илҳом Холбаев. — Бу соҳада ишлаш учун билим, тажриба ва матонат керак. Зарур бўлса, халқ ҳавфсизлиги йўлида уйқусиз

ва шовқинли тунларни ўтказасиз. Аммо, гоҳ-гоҳ сувнинг исроф қилинаётганини қўриб кўнглингиз ҳижил бўлади. Ахир, бу сув қатралари учун қанчадан-қанча заҳматкаш инсонлар меҳнати, қадри ва қимматли ҳаётни тикилган. Биз унинг қийинчилигини ҳам тортамиз, ширин таъмини ҳам.

Олтинсой туманидаги “Намуна Дегрез” сув омбори 1957 йилда қурила бошлаган ва 1961 йилда ишга туширилган. Сув сифими 12,8 млн. куб метр. тўғоннинг баландлиги 12 метр, майдони 369 гектарни ташкил қилади.

— Сув омборимиз Шўрчи ва Олтинсой туманларининг қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан таъминлайди. Жами 4407 гектар қишлоқ хўжалик экинлари ва аҳоли томорқалари ундан сув ичади, — дейди участка бошлиғи Алибой Абдурасулов. Сувчиларнинг қадрига етган Алибой ака мана 37 йилдирки шу соҳада меҳнат қилмоқда.



Суратда: (чапдан) “Намуна Дегрез” сув омбори участка бошлиғи Алибой Абдурасулов, мухандис- гидротехник Икром Холмуродов, “Пўстин” канали бошлиғи Бозор Каримовлар

Дарҳақиқат, сувнинг ҳар бир томчиси қадр ва меҳр сўқмоқларини босиб етиб келади. У деҳқон далаларини, томорқаларини айланади, бекиёс лаззатга тўлган боғлар таъмини ялайди. Сув бўлмаса, бу ширин ҳаёт йўқ! Инсон жисмининг саломатлиги, покизалиги, фаровонлиги бари сув билан боғлиқ. Бизга тоза ҳаво бергувчи дов-дараҳатлар, сўлим табиат бари сувга муҳтоҷлик сезади. Сув эса ўз йўллари, ўзанларини босиб ўтиб, бизга етиб келади. Унинг мөъёрини билиб, келгуси авлод ҳақига ҳиёнат қилмасдан фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Олис ўлкалар ва дарё, тўғонлардан ошиб, қанчалар заҳматли меҳнатлар эвазига келаётган сув қадри сувчиларимиз эътиборида. Биз-чи? Гоҳо оддий нарса деб ўйлаганимиз тенгсиз ҳазина, катта имконият, ҳаётнинг буюк инъоми бўлиб, уни севиб, эъзозлаб, қадрига етдиқми? Зоро, томчилардан йиғилган дурдона жавоҳирот – сув бўлмаса яшамоқ гумон. Дунёнинг қайсицир бир жойларида аҳоли бир томчи ичимлик сувга зор. Шунинг учун сув қадрини билмоқ, уни авайлаб, Аллоҳнинг бу неъмати савобига шукронга айтиб яшамоқ керак.

Сувчи иним, сувчи қадрдоним! Заҳматли меҳнатингни Ўзбекистон аҳли билади. Она Ўзбекистонимиз Мустақиллиги байрамининг 31 йиллиги муборак бўлсин! Далаларда оқаётган оби ҳаёт жилваси янглиғ хонадонингиз нурларга, баҳта, севинчга тўлсин!

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мубиришимиз.



Суратда: (чапдан) Сурхондарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Илҳом Холбаев ва навбатчи дисплетчер Ҳасан Мармонкуловлар кузатув камералари олдида.



**Хурриятининг 31 йиллигини муносид кумид
олаётган замондошларимизни, ҳамкасларимизни
қутлуг дайрам билан самими табриклаймиз.
Хонадонгизга тинчлик-хотиржамлик тилаимиз,
Мустақиллигимиз адаиий бўлсин!**

**Сурхондарё магистрал
каналлар бошқармаси жамоаси**

Жарқўрғон туман ирригация бўлими жамоаси

**Деҳқон даласини сувга
тўйдириб, эл дастурхони
тўкинлигига кўмаклашаётган
ҳамкасларимизни,
юртдошларимизни**

**Мустақиллигимизнинг
31 йиллик айёми**

**билан самими қутлайди.
Юртимизнинг
озодлиги ва тинчлиги,
абадий бўлсин!**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришида томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечикитириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори сувдан тежамли фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда, ушбу долзарб масалага ёним топишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Каттакўрғон туманида ҳам кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2022 йилда худуддаги 43 та фермер ва кластер ташкилотларининг жами 1000 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш белгиланган. Таъкидлаш жоизки, бугун тумандаги кўплаб дехқон ва фермерлар томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини англаб етган ва шу боис бу усул тобора оммалашмоқда.

— Фермер хўжалигимизнинг 20 гектар пахта майдонида ушбу тизимни ўрнатиб, шу усулда суғориб келмоқдамиз. Бу технологиянинг устувор жиҳати кўп экан, аввало, сув иқтисод қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси меъёрида



Суратда: фермер
Жасур Ботиров

бўларкан ва жўяқда бегона ўтлар бўлмас экан. Асосийси, мавсум давомида экинга бериладиган минерал ўғитлар тежаларкан, техника харажатлари қисқарар экан, — дейди тумандаги «Ўткиржон ҳосилдор далалари» фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Ҳосилов.

Тумандаги «Умидли Жасур даласи» фермер хўжалиги аъзолари ҳам инновацион ва тежамкор технологиялар қўлланиши асосида ҳар йили пахта майдонларида гектаридан

45 центнердан ҳосил олиб кельмоқда.

Шунингдек, тумандаги «Ҳосил» фермер хўжалиги раҳбари Анвар Ҳосиловнинг маълум қилишича, «Томчилаб суғориш сув ресурсларини тежашда муҳим ҳисобланади ва бу орқали ғўзалар ўз вақтида бир хил меъёр асосида суғорилади».

Албатта, тежамкорлик



Суратда: фермерлар Анеар Ҳосилов, Ўткир Ҳосиловлар пахта даласида.

ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб суғориш усулига амал қилиш, сувдан фойдаланиш самародорлигини ошириш баробарида ҳосилдорликни ошириш, пиворвардиди, аҳоли турмуш даражасини янада кўтаришга хизмат қиласди.

Дилшода РАХИМБЕРДИЕВА,
Республика фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгаларини қўллаб-қувватлаш
жамгармаси масъул ходими.

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ жамоаси

Замин билан тиллашиб мўл ҳосил етиштираётган фермерларни, уларга елкадош бўлган илм аҳлини Мустақиллик байрамининг 31 йиллиги билан самимий қутлайди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



СУВ ҚАДРИНИ СУВЧИ БИЛАР, ЗАРДАН ҚАДРИ БАЛАНД ДЕРЛАР

Вилоятда қишлоқ хўжалик экинларидан кўзланган ҳосилни етиширишда Чапқирғоқ-Амударё ирригация ҳавза тизимлари бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида 291 та насос станциялари ва 539 та насос агрегатларининг аҳамияти катта. Вилоятда 102 минг гектар экин майдонлари улар ёрдамида сув билан таъминланади. Йил мобайнида фермер хўжаликлари, агрокластерлар, дехқон ва аҳоли томорқа ер хўжаликларини ерларини сугориш учун жами 1628,8 млн. метр куб. сув бошқарма ҳисобидаги насос станциялари ёрдамида ҳайдаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги “2022 йилда кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида бир қанча ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда Хоразм Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Ҳакимбой Отахонов шундай изоҳ берди:

— Ҳар бир ишни ўз вақтида кечиктирмасдан бажариш иш самародорлигини таъминлайди. Бошқармамиз ҳисобидаги жами 242 дона насос агрегатларини таъмирлаш, 9 дона насос агрегати янгидан сотиб олиш, насос станцияларидаги босимли кувуларнинг 1 км.қисмини янгисига алмаштириш режалаштирилди ва аксарият ишлар бажарилди.

Хива туманида жойлашган 2014 йилда қурилган “Арвик” насос станциясига бордик. Бу ерда “СНР-500/10” русумли иккита насос агрегати ишлаб туриди. Ғазовот каналидан сув олиб, Хива туманидаги 331,2 гектар экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлайдиган бу қурилмада учта ходим: насос қурилмаси машинистлари Бойжон Одамов, Шұҳрат Жуманиёзов, электромонтёр Кўпал Одамоловлар иш олиб борадилар.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Элшод Бабажонов ҳам иш кўзини биладиган йигит. У гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш бўйича мутахассис. Мехнат фаолиятини шу ерда дистпетчерликдан бошлаган. У билан сухбатимиз бошқармада 1989 йилдан бўён ишлаб келаётган Жуманазар Сувонов ҳақида бўлди.

— Жуманазар aka 31 йилдан бўён ишлаб келаётган устоз ходимларимиздан бири, —дейди у. — Таъмирлаш бўлимидан тортиб “Тупроққалъя”, “Қизилқум” масивлари ва Бофот туманларида фаолият олиб борган муҳандис-механик вазифаларида ишлаб обрў топган, кўпларга устоз ва самимий инсон.

Янгиариқ туманида жойлашган “Жирмизкўл” насос станциясида “Жирмизкўл” коллекторидан сув олади. Тумандаги 1040,0 гектар экин



Суратда: Хоразм Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Ҳакимбой Отахонов насос қурилмаларини кўздан кечирмоқда



Суратда: (чапдан) Бойжон Одамов, Шұҳрат Жуманиёзовлар насос ёнида.

Кўхна ва навқирон Хоразм асрлар давомида қанча синоатлар бағрида синалган ва сийланган, тоғлари бўлмаса ҳам, тоғлардек нуфузи баланд алломалари, аҳли донишлари билан рўйизминга танилган диёр. Бугун боғлари жаннат монанд бўлиб бораётган улуғвор ўлка. Бағрида оқаётган Амударёнинг лойка сувлари бу жаннатга оро беради, атрофни мўъжизакорликка чоғлайди. Бироқ йиллар давомида Оролнинг қуриб бориши натижасида олдинги ҳайқириб оқадиган, дали дарё, жўшқин дарё, Жайхун дарё деган номлар ўрнига бугун сокин дарё номини олган буюк дарёнинг оқимлари далаларга боғ-роғларга ҳаёт баҳш этмоқда.

Майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи 3 та агрегат ишлаб туриди. Насос қурилма машинистлари Нурмамат Машарипов, Султонбой Тожаддинов ва насос қурилмаси машинисти Ойбек Абдуллаевлар ва туман насос станциялари участка бошлиғи Рустам Ражабовларни шу ерда учратиб сухбатда бўлдик. Сухбатлардан маълум бўлдики, Султонбой Тожаддинов 30 йилдирки, сув хўжалиги соҳасида ишлаб келмоқда.

— Зар қадрини заргар билар, деганларидек сув қадрини сувчи билар, —дейди у. — Ҳар бир инсон сувнинг қанчалик ҳаётий зарурат эканлигини унутаслиги керак. Бу неъматни халқа, экин далаларига етказиш учун қанчадан-қанча сувчи-мелиораторлар, ирригаторлар тинимсиз меҳнат қиласи.



Суратда: (чапдан) Нурмамат Машарипов, Рустам Ражабовлар бошқаруе пульти олдида

“Ўзбекистон республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор бўйича 2022 йилда бошқарма ҳисобидаги насос станцияларига энергия тежовчи қурилмалар ўрнатилиши ҳисобига 3,5 млн.квт. электр энергия иқтисод қилинади. Тупроққалъя туманидаги “Қизилқум” насос станциясида реконструкция қилиш ишлари тўлиқ якунланган. Бу насос станциясини реконструкция қилиш ҳисобига тумандаги 2836, 6 га экин майдонлари кафолатли сув билан таъминланиш имконияти яхшиланган.

Кўриниб туридикни, Хоразм вилояти сувчилари ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигини муносиб кутиб олиш учун самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ўз мухбиришим.



**Халқимизни, сув хўжалиги ходимларини меҳнат
қилаётган касбдошларимизни, дехқон ва фермерларни
Истиқлол аёми билан самимий муборакбод этамиз.**

**Меҳнатингиз баракали, хонадонингиз тинч, ҳаётингиз
янада фаровон бўлсин, азиз юртдошлар!**

**Чапқирғоқ-Амударё ирригация тизимлари ҳавза
бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва
энергетика бошқармаси жамоаси**



cmyk

23

ТУЯМҮЙИН ГИДРОУЗЕЛИ:

ЯНГИ УСКУНАЛАР ИШ УНУМИНИ ОШИРМОКДА

Сув борлиқни яшилликка бурковчи құвваттаға зәғ тириклик манбасын.
Чуни бу яшнаган бөг-рөгларга олиб келгүнча эса қанча машаққатлы мәжнат
Борлигини сувчиларимиз яхши биладылар.

Тұямүйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси Тупроқалъа тұманида жойлашған бўлиб бошқарма бошлиғи, тажрибали инсон Қурбонбой Бабажонов бир гуруҳ ишчи-ходимларни олиб Туркманистандаги объектларни ўрганишга кетгандығи боис, боз мұхандис Зафар Довлатов билан соҳада олиб борилаёттган ишлар ҳақида сұхбатлашдык.



Суратда: Бошқарма бошлиғи Қурбонбой Бабажонов ишчи ходимлар билан

Биз бошқарма биносига кириб борар эканмиз, хонада журналинизнинг янги сонини варақлаб ўқиб ўтирган юрист Султонбой Жуманиёзовни учратиб хурсанд бўлдик. 20 йилдан бўён ўз соҳасини яхши ўрганганд Султонбой ака бу ердаги ишчилар учун яратилган шароитлардан мамнунлигини ҳам билдириди. Бугунги кунда дастлаб ҳар бир корхона ва ташкилотда ишчилар учун күтайликлар мавжудлиги қуонарли. Бошқарманинг ёрдамчи хўжалигига 1,5 гектар мева-бөг, 15 боз қорамол, 30 боз қўй-қўзи, иссиқхонада тахминан 18-20 туп лимон дарахтлари баравж ўсиб, мева туккан. Меваларини кўтаролмай турган чиройли узум ишкомларидан кўз қувнайди. Боз ҳисоби Назира Нурматованинг айтишича, 5 гектар ер майдонида буғдой ва бошқа экинлар қатори, полиз маҳсулотлари ҳам экилган. Ҳосили ишчи-хизматчиларга тарқатиларкан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги “Сув хўжалиги тизимиға замонавий коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Хоразм вилоят Тұямүйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси ўз ишларини қайта кўриб чиқди.



Суратда: Бошқарма юристи Султонбой Жуманиёзов.

“Чап қирғоқ ва Ўнг қирғоқ магистрал каналларига”, Тұямүйиннинг пастки бъефи Амударёга сувнинг сатхини мунтазам равишда ҳисобини юритиб турувучи “Ақлли сув” курилмалари ўрнатилган бўлиб, ҳозирги кунда дастурга сув сатхи тўғрисидаги мълумотларни етказиб бермоқда.

— “Копарас” сув омборига сув киргизиш ва чиқарыш иншоотидаги стационар механизмларнинг ва 6 дона сув тўсуви затворларнинг 24 дона ҳаракатланиш қисмлари таъмирланиб ишчи холатига келтирилди, — дейди Зафар Довлатов.



Суратда: Бошқарма бош мұхандиси Зафар Довлатов ва дистпетчер Мардонбек Қурбоновлар.

Соҳа ҳодимларининг ҳар дами шижаатли мәжнат билан улуғланади. Ишнинг барорида янги технологияларнинг аҳамияти катта. Тұямүйин гидроузелидаги асосий затворлар сегмент ва сирпанувчи, ясси типдаги затворлардир. Уларни кўтариш ва тушириш 500 тоннагача бўлган юкларни кўтариувчи кранлар, стационар механизмлар ва гидравлик гидроприводлар орқали амалга оширилади. Сув ташлаш тўғонидаги чап ва ўнг қирғоқ сув ўтказгичларида сегмент-затворларни бошқариш ярим автоматлаштирилган. Москва “Мостгидросталь” маҳсус конструкторлик технология бюроси билан ҳамкорлиқда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб металнинг емирилишидан сақловчи протекторлар гидромеханик ускуналарига Тұямүйин гидроузели иншоотларида қўлланилди ва республика сув хўжалиги ташкилотларига тавсия қилинди.

Қийинчиликлардан чўчимайдиган бу мәжнат аҳлиниңнг бугунги ишлари билан танишиш борасида улардаги матонатни, Ватанга бўлган ишқни, самимиятни кўрдик. Ҳар бири билан сұхбатимиз байрамона кайфиятда.

Сув томчиларидан завқланиб, уларнинг ирмоқларга, дала йўлларига етиб бориши учун фидойилик кўрсататтган мәҳри дарё ҳалқнинг ҳар бир куни байрам бўлсин!

Шукуржон СОДИҚОВА,
Ўз мухбиримиз.



ТУЯМҮЙИН ГИДРОУЗЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ жамоаси

Фидойи, межнаткаш, нард
ва танини ҳалқимизни
мамлакатимиз
Жустақилашининг
31 йиллиши билан қизғин
табриқлаб, жонаажон
Ватаниниң иқтисаодмётининг
тараққий этишини үйлиға
апалга ошираётган өзгү
ва жайрли шарлавига
муваффақиятлар тилайди.

Жаңқирон 31 ёшин
муборак бўлени,
Ўзбекистоним!



Орзулари үшүлаётган одамлар



“Тизимимизда ҳозирги кунда 48 нафар ишли-ходим мөхнат қилмоқда. 2014 йилда шу ерда иш бошлаганман, 2018-2021 йилларда туманда ирригация тизимини бошқардим. Шунинг учун бу соҳанинг паст-баландини яхши биламан”.

Андижонга сафаримиз давомида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг “Норин-Қорадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Марҳамат туман ирригация бўлимида кўп йиллар самарали мөхнат қилган Илҳомиддин Дадажонов билан сұхбатда бўлдик.

Сувчининг мөхнати ҳам ўзига хос оғирлик ва енгилликлар билан давом этади. Эл дастурхонига тўкинлик бағишилашда ҳар бир соҳанинг ўз ҳиссаси бор. Туманнинг жами ер майдони 27 600 гектарни ташкил қилиб, шундан, 17 953 гектар экин майдонлари Марҳамат туман ирригация тизимлари тасарруфида. Тоғли худуднинг ўзига яраша қулайликлари ва қийинчиликлари мавжуд. Юқоридаги 17 953 гектар ер майдонининг 46 фоизи насослар орқали суфорилади. Бунинг учун эса 26 та насос стансияси ўрнатилган. Туманнинг жануби-ғарбий қисми қўшни



Қирғизистон республикаси билан чегарадош. Жанубий Фарона магистрал каналидан сув олувчи асосий канал Қирғизистон худудидан ўтади. Шунга кўра, сув олувчи дарвозалар Қирғизистон худудида қолиб кетгани шу пайтгача муаммо туғдираради. Мамлакатимиз Президентининг ташабуси билан каналнинг 5,7 километр қисмини Ўзбекистон худудидан сув олиш учун айланма ҳаракат орқали боғлашга келишилди. Жалакудук ДУК билан қилинган шартномага асосан октябрь ойида янги канал ишга тушади. Шундан сўнг туманда сув таъминоти яхшиланиб, аҳолининг кўп йиллик орзузи ушалади”.

Илҳомиддин Дадажонов бу ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирав экан, юзида, кўзида самимият зоҳир эди. Биз тажрибали сувчи билан хайрлашар эканмиз, уни ва туман ирригация ходимларини юртимизнинг Мустақиллик байрами билан табриклидик. Орзулари ушалаётган одамларнинг юраги дарёдек тошқин, кўнгли эса мана шу пурвиқор тоғлардек баландлигидан кувондик.

Сурʼатда: тажрибали ирригация ходими Илҳомиддин Дадажонов.

Ўз мухбиришим.



**Хурриятнинг 31 йиллигини муносаб кутуб
опаётган замондошларимизни, ҳамкаслари-
мизни упуғ баърам билан самимий қутлаймиз.
Қабингииз доимо қувончга тўлсан, азиз
юртдошлар!**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ
ЧОРВАНАСЛ МАРКАЗИ жамоаси**





ЧОРВАЧИЛИКДАГИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР

Чорвачилик ривожи йўлидаги изланишлар йил сайин ўз самарасини бермоқда. Айниқса, имтиёзли кредитлар асосида наслли қорамол зотларини кўпайтириш, уларни республикамиз шароитига мослаштириш ишлари жадал олиб бориляти.

Интенсив қорамолчилик тегишли малака ва билимни талаб этади, албатта. Қиш ва ёзда сигирларни саклашни пухта эгаллаш, асосий рационига эътибор бериш, қорамол зотларининг хусусиятларини тўла ўрганиб, сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида чорвадорларимиз анчагина билим ва кўникмага эга.

Андижон вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлигининг озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ўринбосари Дилшодбек Йўлчиеv билан учрашиб, чорвадорларнинг бугунги ишлари ҳақида сўрадик. У киши бизни Андижон вилояти ҳудудий чорва-насл маркази директори Раҳимжон Умрзоқов билан танишитирди.

Вилоятда ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар дастурига асосан 491 млрд. сўмлик 158 та лойиҳани ишга тушириш, чет давлатлардан 3 минг бosh наслли мол олиб келиш, 178 минг бosh сигирни сунъий уруғлантириш кўзда тутилган. Чорва хўжаликларига ажратилган 14,4 минг гектар экин майдонига озуқа экинлари экилишини таъминлаш, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 500-1000 бушга мўлжалланган чорва комплекслари куриш, кооперация усулида аҳолига парранда, қўён, қўй, эчки, асалари оиласларини тарқатиш каби қатор тадбирлар белгилаб олинган.

— Бугунга қадар 324,8 млрд. сўмлик 131 та лойиҳа ишга туширилди, — дейди сұхбат чоғида Р.Умрзоқов. — Шунга кўра, 2,8 минг бosh қорамол, 6 млн. bosh парранда, 2,5 минг бosh қўён, 8 мингта асалари оиласи, 500 бosh наслли қўй, 50 бosh йилки боқиши ўйлга кўйилди. Январь-июн ойларида 250 бosh наслли қорамол четдан сотиг олинди, яна 3 минг бoshдан зиёдини куз ойида олиб келиш учун ҳисоб-китоб қилинди.

Етти ой давомида 105,6 минг бosh сигир сунъий уруғлантирилган. Белгиланган экин майдонларининг 4,5 минг гектарига беда, 8,6 минг гектарига маккажӯҳори, 1,4 минг гектарига ҳашаки лавлаги экилиб, парвариш қилинмоқда. Бедазорлардан икки, уч марта ҳосил олиниб, маккажӯҳори майдонларининг ҳар гектаридан 850-900 центнер ҳосил йиғилди. 5 минг гектар майдонда оралиқ экинлари экилиб, май ойида йигиштириб олинган. Фалладан бўшаган 21 минг гектардан зиёд майдонга тақорорий маккажӯҳори экиб, парваришланмоқда.

Вилоятда 3 та кластерда қорамоллар боқиши йўлга кўйилган. Мўлжалланган 7 та кластер корхоналарининг қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва соҳага янгиликларни жорий этишдаги ишлар кенг қамровли олиб борилемоқда. Йил бошидан аҳолига 23,5 минг бosh кўй-эчки, 957,1 минг bosh парранда, 49 минг bosh қўён, 22,3 мингта асалари оиласларини тарқатиш белгиланган. Шу кунгача 6 минг 198 та хонадонга 31 минг bosh кўй-эчки, 7 минг 239 хонадонга 725 минг bosh парранда, 5 минг 67 хонадонга

50,6 минг бosh қўён, 5 минг 874 хонадонга 29,4 мингта асалари оиласи тарқатилиб, назоратга олинган.

Маълум бўлишича, вилоятда қорамоллар сонини 1 млн. 100 бoshдан, кўй-эчкилар сонини 1 млн. 500 boshdan, парранда бosh сонини 9 млн.дан ошириш кўзда тутилган. Демак, натижада гўшт етиштириш 124,5 минг тоннага, шундан, парранда гўшти етиштириш 48,2 минг тоннага, сут етиштириш 1 млн. 79 минг тоннага, тухум етиштириш 810 млн. донага, балиқ етиштириш 55 минг тоннага етказилади.

Вилоятда гўшт йўналишидаги йирик паррандачилик хўжаликлари ташкил этиш ишлари изчил давом этмоқда. Бу хўжаликлар ишга тушиши билан вилоят бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги тўла таъминланиб, қисқа фурсатларда захира ҳам яратилади.

Айтиш жоизки, чорвадорлар кечакундуз тиним билмайдиган соҳа вакилларидир. Соҳа ривожи учун билим ва кўникмалар қанчалик етарли бўлса, ишда шунчалик унум бўлиши табиий. Андижонлик чорвадорларнинг бугуни – ҳалқнинг келажақда янада тоза ва сифатли озиқ-овқат билан таъминланиши йўлидаги изланиши ва имкониятлардан иборат. Улар бу йўлда оғишмай, Мустақиллигимизнинг 31 йиллигини муносаб кутиб олишиди.

Суратда Андижон вилояти ҳудудий чорванасл маркази директори Раҳимжон Умрзоқов бугунги режалар, эртанди имкониятлар борасида ходимлари билан сұхбат чоғи акс эттирилган.

Ўз мухбиримиз.

НАСЛИ ЧОРВА – БАРАКА ГАРОВИ

Юртимиз истиқлолдай улуғ неъматга эришганига ҳам ҳадемай 31 йил тўлади. Мана шу ўтган ийлар давомида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам талайгина муваффақиятларга эришилди. Жумладан, ирригация соҳасида дунёнинг энг илгор давлатларидан сувни тежовчи, ўлчовчи дастгоҳлар харид қилинган бўлса, мелиорация соҳасида замонавий қудратли техникалар харид қилиниб, бободеҳқонларнинг оғирини енгил қилиб келмоқда. Чорвачиликда ҳам замонавий лабораториялар ва сунъий уруғлантириш ускуналари соҳа ривожида асосий омил бўлиб боряпти.

Юртимиз улуғ неъматга – истиқлолга эришганига 31 йил тўлди. Мана шу ўтган ийлар давомида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам талайгина муваффақиятларга эришилди. Жумладан, ирригация соҳасида дунёнинг энг илгор давлатларидан сувни тежовчи, ўлчовчи дастгоҳлар харид қилинган бўлса, мелиорация соҳасида замонавий қудратли техникалар олиб келиниб, бободеҳқонларнинг оғирини енгил, мушкуни осон қилмоқда. Чорвачиликда ҳам замонавий лабораториялар ва сунъий уруғлантириш ускуналари соҳа ривожида асосий омил бўляпти.

— 2004-2006 йиллар Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтининг Юқумли касалликлар кафедрасида магистратурани тамомлаб, Данғара туманида фаолият бошладим, — дейди туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Иқболжон Тўланов. — Шу ўтган вақт давомида 12 та худудий участкамизда фаолият юритаётган 24 нафар ходимимиз билан биргаликда жуда катта ишлар амалга оширилди. Қорамоллар бош сони аҳолида 91347 бошга, фермер хўжаликларида 5533 бошга етказилди. Шундан, наслли қорамоллар 2000 бошни ташкил қиласди. Майдан туёклилар сони аҳолида 61974 бошга, фермер ва ёрдамчи хўжаликларда 4773 бошга етди. Йилқиларимиз бош сони ҳам 90 тадан ошди. 440 000 та парранда аҳоли қарамоғида парваришланаётган бўлса, гўшт ва тухум берувчи 172 000 та парранда 5 та паррандачилик хўжаликларида малакали ишчилар назоратида парвариш қилинмоқда. Туманимизнинг талайгина экин майдонлари заҳкаш ва шўрхок ерлардан иборат бўлгани учун балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганимиз. Ўтган 2021 йил ички бозорларимиз учун 960 тонна балиқ маҳсулотлари етиштирган бўлсак, жорий йил 25 та балиқчилик хўжалигида 612 гектар сунъий кўл барпо этиб, 1200 тонна маҳсулот олишин режа қилганимиз. “Уч паҳлавон” балиқчилик хўжалигимиз иссиқхона усулида балиқ етиштиришни йўлга кўйиб, 10 сотих майдонда 10 тонна Африка лакқасини етиштириб, кўплаб хўжаликларимизга намуна бўлди. Шу тармоққа қизиқкан қўшни туманлар тадбиркорлари ҳам ушбу усулни ўрганиб, ўз фаолиятларини бошлаш арафасида.

— Ишни 2016 йил 20 бош голъшин зотли қорамолларни сотиб олишдан бошлаганимиз, — дейди “Юлдашев Мухторжон кут-баракаси” наслли қорамолчилик фермер хўжалиги чорвадори Содикжон Турдалиев.



— Қорамолларни қатъий рацион асосида озиқлантириш орқали уларнинг саломатлиги ва маҳсулдорлиги таъминланади. 2021 йилда яна 33 бош симментал наслли қорамолларни харид қилдик. Ҳозир 47 бош сигир ва

56 бош бузоқ парваришлияпмиз. “Чорванинг туёғи тошдан қаттиқ”, дейишади. Бу соҳа вакиллари байрам, дам олиш куни деган сўзларни билмайди. Шунинг учун астойдип ишлайдиган меҳрли кишиларгина чорвадор бўла олади. Иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. Ҳокимлик томонидан озуқа учун 9 гектар экин майдони ажратилган эди. Чорва бош сони кўпайган сари озуқага бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда амалий ёрдам беришларини сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилганимиз. Мурожаатимиз амалга ошса, қорамоллар бош сони бир неча юзтани ташкил қилган бўлар эди.

“Хожикулова Мұхаббатхон” наслли чорва фермер хўжалиги антиқа тажрибани йўлга қўйибди. Хўжаликда 95 бош эстон, менбелярд наслли қорамоллар парваришиланади. Уларни озиқлантириш учун бир кило буғдойни 7 килога айлантиришар экан. Бунинг учун буғдойни текис юзага ёйиб, сув бериб кўкартишишаркан. Натижада, бир килолик озуқа етти килога кўпаяр экан. Яъни ўртacha 4000 сўм 28000 сўмга айланади.

Чорва – барака булоги, дейишади. Қайсики юртда чорвачилик ривожланса, халқнинг дастурхони тўкин, ризқи бутун бўлади. Айни байрам кунлари туман чорвадорлари ва ветеринария ходимларини табриклаб, улар билан хайрлашдик.

Суратда: “Юлдашев Мухторжон кут-баракаси” наслли чорвачилик фермер хўжалиги чорвадори Содикжон Турдалиев.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.



**Бухоро Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш
бошқармаси жамоаси**

*Халқимизни, чорвадорларни, тизимда
мехнат қилаётган кўп минг сонли
мутахассисларни Энг улуғ ва энг азиз
байрамимиз*

*— Мустақилликнинг
31 йиллиги
муносабати билан самимий
муборакбод этади.*

*Юртимизнинг фаровон эртаси учун
камарбаста бўлиб меҳнат қилаётган барча
юртдошлиари мизга сиҳат-саломатлик,
хонадонига файзу барака,
иқтисодиётимизни юксалтириш йўлидаги
ээгу ишларида улкан зафарлар доимо ёр
бўлишини тилайди.*



Замондош чөхрасидағи нур

**Юртдошларимиз энг улуг, энг азиз байрамимиз – истиқолимизнинг 31 йиллигини
үзгача шукух, меҳр, қувонч билан кутуб олди.**

Ахир, тинч замондан, гўзал ватандан, аҳил-иноқ яшашдан ортиқроқ баҳт борми? Иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаси бўлган қишлоқ ҳўжалигида меҳнат қилаётган фермерларимиз халқимиз дастурхони тўкинлиги йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. Зоро, чорвадор ва дехқонлар бизни кийинтирмоқда, тўйдирмоқда.

Чиноз тумани ҳар бир соҳада, шунингдек, дехқончиликда ҳам илғорлардан.

— Фермерчиликда ўз-ўзидан илғор бўлиб қолиш қийин, — дейди ушбу тумандаги “Сайдоҳмедов Ҳамид” фермер ҳўжалиги раҳбари Олимжон Сайдоҳмедов. — Нозик томонларини ўрганмай туриб ишни ташкил қилолмайсиз. Иш режаларимизни ёши улуғ дехқонлар билан маслаҳатлашиб йўлга кўямыз.

Кўриб турибсиз, 57 гектар майдондаги паҳтамиз қийғос очиляпти. Худо хоҳласа, 45 центнердан ошириб ҳосил ийғиб оламиз. 47 гектарлик ғалла майдонидан 65 центнердан хирмон уйдик. 80 центнерни мўлжаллаган эдик, афсус, шамол, турли хил оғатлар ғалла бошоқларини ерга ётқизиб, дилни анча хира қилди.

Ҳасанхон Мажидов раҳбарлик қилаётганг “Дил Гиё” фермер ҳўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, бу ерда 150 бош соғин сигир тоза-озода жойларда рацион асосида боқилмоқда.

— Уларни 2020 йил Германиядан харид қилган эдик. Келганида бўғоз эди, асрраб-авайлаб кўпайтириб олдик — дейди Ҳасанхон.

— Соҳангиз бошқа бўла туриб чорвачилик йўналишида фаолият олиб бораётган экансиз?

— Болалигим қишлоқда ўтган, мол-қўйлар боқиб катта бўлдим. Ҳайвонларга бўлган қизиқиш болалиқда шакпланган бўлса керак, — дейди у кулиб.

Айни кунда фермер ҳўжалигида 240 бош қорамол, 80 бош қўй парваришланмоқда. Фермернинг ўзи ўта самимий, саховатли, дея таъриф бериши Ҳасанхонга туман раҳбарлари.

— Келажаги буюк, янги Ўзбекистонда ҳалол меҳнат қилмоғимиз, ташаббускор, тадбиркор бўлмоғимиз керак, — дейди Оққўрғон туманидаги “Озодлик” фермер ҳўжалиги раҳбари Неъматилла Рустамов. — Гўзал юртнинг янада обод бўлишига ўз ҳиссамизни кўшаётганимиздан фоят шодмиз. 2020 йили Австриядан келтирилган 128 бош қорамол айни кунларга келиб 362 бош бўлди. Туманимизнинг “Халқ банки” ходимларига раҳмат, беминнат ёрдам беришиди.

“Пулни пул топади” деганларидай, фермер даромадлари эвазига 2 гектар боғ яратди, 40 бош от, 120 бош қўй-қўзи, 20 оила асаларилар сотиб олиб, уларни меҳр билан парваришланмоқда.

— Асл мақсадимиз, Ватан равнақига ҳисса қўшиш. Наслли моллар сонини янада кўпайтириш. Элимиз дастурхонини аъло сифатли сут ва гўшт маҳсулотлари билан тўлдиришда озми-кўпми ҳиссамизни қўшиш, — дейди фермер.

“От ўрнини той босар” деганларидай Неъматилла аканинг катта ўғли Олимжон – тадбиркор, унинг ун заводи бор, кичик ўғли Муҳаммаджон иш юритувчи, отасининг суячиғи. Тадбиркор, самимий, бағри кенг ушбу оиласа соғлик-омонлик тиладик.

— Оққўрғон туманида миришкор, фидойилар бисёр, — дея бизни яна бир фермер билан таништириди туман наслчилликни ривожлантириш агентлиги бошлиғи Музаффар Мустофоқулов.

“Хонтемир” фермер ҳўжалиги раҳбари Маҳкамбой Саурбоев туманинг жонкуяр фермерларидан эканлигини сұхбат асносида билиб олдик. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фермернинг кўзидаги нур гўё қалбига кўчгандай. Тўлиб-тошиб гапиришлари тантан дехқонга хос ва мос.

— Германиядан келтирилган 414 бош голнштейн наслли қорамолларнинг ҳар биридан кунига 40-45 литрдан ошириб сут соғиб оляпмиз, — дейди фермер. — Ўзимизнинг сутни қайта ишлаш цехимиз ҳам бор.

— Маҳсулотларни қаерга сотасиз? — дейман қизиқиш билан.

— “Молочный домик” дўконларига, болалар боғчаларига, хуллас, хоҳиш, талабларга қараб арzon нархларда, сифатли ҳолда етказиб берамиз.

70 сотих иссиқхонадаги қулуңпайларга қараб ҳавасимиз келди. Жазира маънанинг 300-нчалик қулуңпайлар етилиб турибди.

Укаси Хонтемир елқадоши, маслаҳатчиси. 20 қути асалари, 200 бош товуқ, 60 бош қўй, 8 бош отларни бамаслаҳат парваришланмоқда.

**Гуллаб-яшнамоқда ҳур Ўзбекистон,
Юртда тўкинлигу омонлик пойдор.
Шундай саодатга сен ҳам эш, дехқон,
Шундай тўкинлиқда ҳиссанг кўп – бисёр.**

**Йил бўйи тинмайсан заҳматлар чекиб,
Сенинг меҳнатинг-ла хирмонлар юксак.
Турибман шаъннингга таҳсиллар ўқиб,
Азиз Ватандошим, байрам муборак!**

**Раъно ТОЖАЛИЕВА,
ўз мухбиримиз.**

ҚЎШ ЭКИН

ёки яна ғўза қатор орасида
соя етиштириш ҳақида

Кейинги пайтда жаҳон бозорида дон, буғдой, ўсимлик ёғи, озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть, пахта, газ ва электр энергияси нархи ошиб боряпти. Кўпгина давлатлар ўз ҳудудидан ун, дон, гуруч, картошка, мева, ёғ-мой маҳсулотларини ҳам экспорт қилишга чекловлар ўрнатган ва яна ўрнатмоқда.

Бугун дунёнинг барча мамлакатлари шу ва яна бошқа сабабларга кўра ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиши зарурлигини вақт кўрсатмоқда. 2020 йилда эндиғина пандемия бошланган вақтда давлатимиз раҳбари Андижон ташрифга ташрифи вақтида озиқ-овқат хавфсизлигини олдиндан кўра билган ҳолда, ғўза қатор орасига соя экиш орқали аҳолини маълум миқдорда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга эришиш мумкинлиги борасидаги долзарб вазифаларни ҳал этиш йўлларини белгилаб берган эди.

2020 йил бу борада бир қатор ишлар олиб борилди, аммо ўшанда ғўза қатор орасига соя экиш кеч бошланган эди. Мана шундан бери орадан яна икки вегетация даври ўтиб бормоқда. Тўғри, бу ишлар кўпгина олимлар ва айrim фермерларнинг салбий қарашларига дуч келди. Албатта, кўпинча битта экин экилганда ортиқча қийналмайсиз, ўзингизни ҳар соҳага урмайсиз, ташвиши кам бўлади-да!

Республикамиздаги мавжуд ер майдонларини ҳисоб қиласли. Статистик маълумотларга кўра, бизда 4 млн. гектар суғориладиган майдон мавжуд. Ер майдони кўпаймаслиги эса ҳаммага маълум.

Ўзбекистондаги демографик маълумотларга назар солсак, аҳоли сонининг йил сайин ошиб бораётганлига гувоҳ бўламиз. Демак, йил сайин сони ошиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш доимо ҳукуматимизнинг эътибирида бўлади.

Қадимда ота-бобо дехқонларимиз томонидан кўлланилган қўш экин амалиётини унугтиб юборганимиз учун ҳам иккى экинни кўшиб экиш бугунги кунда бизга малолдай ёки унинг иложи йўқдай, ортиқча ташвишдай туюлади, гўё.

Бизда озиқ-овқат маҳсулотлари ичida энг катта муаммолардан бири ўсимлик мойи ҳисобланади, чунки ёғ-мой заводларида аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган истеъмол мойининг 46 фоизи пахта чигитидан ахратиб олинади.

Хўш, қолган 56 фоиз мойни қаердан оламиз?

Аммо бу миқдор бизда ҳар йили маълум миқдорда ошиб боради, чунки аҳоли сони ошиб бормоқда. Масалан, бир йилда зарур бўладиган ўсимлик мойи 289 тоннани ташкил қилса, кейинги йилда бу кўрсаткич 320 тоннани ташкил қилиб қолиши мумкин. Бу рақамлар оддий мисол учун олинди. Албатта, бу ерда яна кунгабоқар, кунжут, индов, махсар каби мойли уруғлар ва данаклардан олинадиган мойлар ҳам бор, аммо барibir эҳтиёжимизни бу нарсалар билан



қондира олмаймиз.

Демак, аҳоли эҳтиёжини қондириш учун етмаган маҳсулот хориждан валюта ҳисобига олиб келинади.

Хўш, аҳолининг ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш учун маълум гектарларга ғўза қатор орасига соя кўшиб экилса нима бўлади? Бу масалани илмий таҳлил қилиб кўрайлил-чи!

Ғўза ўсимлиги вегетация даври узоқ экинлардан бири ҳисобланади. Соя ўсимлигининг вегетация даври эса навларига қараб, 70-75 кундан 140 кунгачани ташкил қиласли. Ана шу ўсув даври энг қисқа бўлган соя навлари уруғи пахта чигити билан бир кунда экилса, у униб чиққач, бор-йўғи 70-75 кунда пишиб етилади. Бунда соя уруғи бир гектарга чигит билан аралаштириб 25-30 кг миқдорда ташланади. Тўғри, Андижон вилоятида турли экиш усуллари таҳлил қилинди. Албатта, бу борада ҳали бир қатор тажрибалар олиб борилади ва мутахассислар соя экишнинг мақбул меъёр ва усулларини танлаб олишади.

Тўғри, соя эккан барча фермерлар яхши натижা олмоқда, деб ўйламайман. Чунки бизда экилаётган соя навлари тўғри танланмаяпти. Кимки соянинг маҳаллий ва Сербиядан келтирилган навларини экса, у ҳолда яхши даромад олади. Аммо масаланинг нозик томони шундаки, Россиянинг эртапишар навлари баҳорда асосий экин сифатида экилганда нав тўғри танланмаганилиги учун яхши даромад бермаяпти.

Чунки республикага олиб келинаётган барча соя уруғлари эртапишар, бизнинг шароитда уларни фақат ғўза қатор орасига экишгина ижобий натижা беради. Ушбу соя навлари уруғи алоҳида экилганда, улар тез пишиб, июл ойидаги соя донлари тайёр бўлади. Бизда эса энг юқори ҳарорат ана шу ойга тўғри келади, яъни бу вақтда соянинг пастки дуккаклари сочилиб, дони (ҳосили) тўкилиб кетади.

“Славия”, “Селекта-301”, “Аманта”, “Олимпия” номли соя навларини очиқ майдонга ёки июль ойининг иккинчи ярмида экиш мумкин, бирор баҳорда экилганда улар яхши ҳосил бермайди. Ушбу навларнинг донлари пишиб етилиши учун 1800-2000°C ҳарорат зарур бўлиб, улар бу ҳароратни тезда олади ва жуда иссиқ кунларда дони пишади ҳамда тўкилиб кетишига мойил бўлади.

Ғўза қатор орасида соя қандай ўсади, халақит қилмайдими?

Бизнинг фермерларни безовта қилган жиҳати – уларнинг ана шу “халақит қилади”, деган фикрга келишлариридир.

Соя дастлаб ғўзадан бир ёки икки кун олдин униб чиқиши мумкин, чунки унинг уруғ қобиги юпқа бўлади, ривожланиш фазасининг бошида соя майсалари -3-5°C совукка бардош беради. Иккинчидан, дастлабки ривожланиш фазаларида соя сувга кам талабчан бўлади, ғўза шоҳлаш даврига ўтгандан сўнг, унинг бўйи баландлиги соядан ошиб кетади ва соя се-кин-аста ғўзанинг соясида қолиб кетади. Июль ойигача ғўзага алоҳида агротехника керак эмас, ғўза суфорилганда – сув ичади, ўғитланганда ўғитланади. Асосийси, соянинг илдизлари тупроқда олдинги йиллардан эримай қолган фосфорли ўғитларни эритиб, уларни ғўза ўзлаштириши учун тайёр ҳолга келтириб беради. Мабодо, шу тупроқларда ризобиум жапоника бактериялари бўлса, соя илдизларида тугунаклар ҳосил бўлади ёки соя уруғлари экилаётганда нитрагин билан ишланиб экилганда, албатта, туганаклар ҳосил бўлади.

Июль ойининг бошларида ҳар бир соя тупида 8-15 тагача дуккаклар ҳосил бўлади. Июль ойида пишиб етилаётган соя барглари табиий равишда тўкилиб кетади ва бу барглар тупроққа озиқа ҳисобида қолади.

Шу ойнинг 12-15-кунларида ғўзанинг соясида ёки пана-сида қолган соя ўсимлиги дуккаклари пишиб етилади ва уларни йиғишириб олишга киришилади. Ҳамма гап мана шу ҳосилда. Бир туп ўсимлиқда ўртacha 10 дона дуккак бўлса, буни ўртacha 4 грамм ҳисоблаймиз. Эндига бир гектарда 200 минг туп ўсимлик бор бўлса, унинг ўртacha ҳосилини ҳисоблаймиз. Демак, 200000 x4 грамм – баравар 800000 грамм. Бу дегани ҳосил 8 центнер бўлади, яъни бир гектардан шунча миқдорда соя дони йиғиб олинади.

Келинг, бир гектардан биз 8 центнер эмас, 5 центнер соя дони йиғиб олайлик. 1 кг соя дони таркибида ўртacha 22-23 фоиз ўсимлик мойи бор. Демак, биз бир гектардан йиғиб олинган 500 кг соя донидан 100 кг соя мойи олишга муваффақ бўламиш. Ахир, бизда пахта майдонлари миллион гектардан ошиқ, келинг, шундан фақатгина 320 минг гекта-рига ғўза қатор орасига соя экканимизда йиғиб олган соя донимиз миқдори 16 минг тоннани ташкил қиласди. Демак, биз шу майдондан 1600 тонна экологик соф ўсимлик мойи олган бўламиш. Ундан ташқари, яна 14 400 тонна соя изолияти ёки шроти олинади.

Ушбу соя шроти қанчадан-қанча паррандалар, чорва моллари учун оқсилли озуқа бўлади ва қанча миқдорда гўшт, сут маҳсулотлари, тухум ва ҳоказолар олинади. Соя шроти ёки изолиятидан кондитер маҳсулотлари, болалар овқатлари, печенъелар ва ун ўрнида қанчадан-қанча маҳсулотларга кўшишимиз мумкин бўлади. Соянинг пояси-чи, у ҳам тўйимли озуқа хисобланади.

Чорвачиликда тўйимлилиги жиҳатидан ҳеч бир экин соя каби кўп озуқа бирлигига эга эмас. Соянинг 100 килограмм донида 138 озуқа бирлигини сақлайди. Ушбу кўрсаткич маккажӯҳори, арпа, беда ва бошқа экинларда сояникидан кўра анча паст бўлади. Ҳатто, унинг 100 килограмм курук поясида 52 озуқа бирлиги мавжуд. Донининг, поясининг ҳўл ва куруқ ҳолидаги тўйимлилигига келсак, бирор озуқа экини соядан устун бўла олмайди.

Хўш, биз қанча ҳаражат қилдик шу кунгача? Фақатгина экиш олдидан 25-30 кг соя уруғи сарфланди, холос. Иккинчи

ҳаражат йиғиб олишда бўлади. Бу, албатта, қўл меҳнати билан бўлади. Айримлар бунга қарши бўлиб, “Сиз яна одамларни қўл меҳнатига олиб келаяпсиз” деб таъна қилишлари мумкин. Ахир, қорни тўқ ва қозонида мойи бўлиши учун қўл меҳнатини ким қилмайди?

Июль ойида далада ғўза агротехник тадбирлари бироз камайган вақтда ушбу уруғларни териб олишга ишчи кучи топилади.

Андижон тажрибасидан биламизки, кўпчилик пахтакор фермерлар июль ойида ғўзанинг орасига одамларни ора-латиб, ғўзани шамоллатишиади. Худди шундай шамоллатиш юмушларини бажаргандай ғўза қатор орасидаги пишиб етилган соя дуккаклари териб олинади.

Пишиб етилган дуккаклар ғўзанинг соясида ёки салқинда ўсгани учун поядан тез ажралади ёки теримчи кўлига кўлқоп кийган ҳолда поясидан дуккаклар сидириб олинади. Соя бўйининг баландлиги 40-50 см бўлиб, ғўзадан пастда қолиб кетади ва мутлақо ғўзага халақит қилмайди. Аммо олинган кўшимча ҳосил бизга қанчалар катта фойда беришини айтиш шарт ҳам эмас.

Ўзимизда шундай жуда катта имкониятлар мавжуд бўла туриб, биз шу усульнинг маъқуллигини тан олгимиз келмайди. Аслида, яқин тарихга назар солсак, соя ўсимлигининг ўзини тан олишга ҳам жуда кўп вақт керак бўлди.

Ҳозирда республикамизда Соя изоляти ишлаб чиқаришни ташкил қилиш корхонаси ўз фаолиятини бошлаган. Ҳали бу ёш корхона келажакда жуда сердаромад корхонага айланади. Чунки соя донидан 400 дан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Демак, ғўза қатор орасига соянинг навларини тўғри танлаб экиш лозим. Ўзбекистон селекциясида яратилган соя на-влари ғўза қатор орасига экишга ярамайди, чунки уларнинг ўсув даври узоқ, ёншохлар ҳосил қиласди. ғўза қатор орасига Россия, Сербия ва хориждан келтирилган эртапишар соя навларини экиш мумкин. Соядан кейин фермер нима экса, ўша майдондан, албатта, кўшимча ҳосил олади. Ҳозирги кунда кўпгина фермерлар буни яхши билади.

Бугунги кунда ердан унумли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан етарлича таъминлаш учун чигит экишда “Кўш экин” амалиётига амал қилган ҳолда ғўза қатор орасига сояни чигит билан бирга экиш бош масала қилиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда кўшимча миқдорда ўсимлик мойи, гўшт, сут, тухум, совун каби зарур маҳсулотларни ўзимизда етишишишга эришамиз.

Мамлакатимизда ортиқча суфориладиган майдонларни камлиги, тупроқларимизнинг шўрланиб бораётганлиги, мавжуд майдонларда икки ёки уч марта ҳосил олишни, зарур ҳолларда биологик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган экингларни “Кўш экин” қилиб экишни ўрганишимиз ва ана шундай технологияларга эътибор беришимиз буғунги куннинг муҳим вазифаларидандир. Демак, экин майдонларидан турли соҳаларда фойдаланишига қарамасдан, бир гектардан ҳам пахта, ҳам соя дони олинса, натижада, мойли уруғ ҳомашёси шунча кўпаяди ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда истеъмол нархининг барқарорлигини таъминлашга, чорва озуқалари кўпайишига ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишига эришилган бўлади.

**Дилором ЁРМАТОВА, профессор,
Марғуба ҲАМОРОЕВА, доцент,
Муслим МАЛЛАЕВ, тадқиқотчи.**

ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВИДА ЯНГИ ДЕСИКАНТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация. Уибу мақолада ўрта толали С-6524 ғўза навига янги диквот асосга эга бўлган Агро-Диквот ва Диқошанс десикантларини қўллаши самарадорлиги ва десикантлар таъсирида ғўза барглари тўкилиши ва кўсаклар очилиши тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Аннотация. В этой статье представлена информация об эффективности применения десикантов Агро-Диквот и Диқошанс, которые имеют новую основу диквот для средневолокнистых сортов гуся С-6524, а также об опадение листьев и раскрытии коробочек под воздействием осушителей.

Annotation. The information related to the effectiveness of applying Agro-Dikvot and Dikoshans decicants on cotton variety C-6524 as well as the influence of desiccation on leaf shedding and boll opening rate was presented in the article.

Маълумки, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ва қисқа муддатларда йигиб-териб олишда ғўза баргларини сунъий тўкириш ва баъзи ҳолларда тупуни куритиш ўтган асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб Республикашимиз пахтачилик тармоғида кенг қўлланиб келинмоқда. Сир эмаски, бугунги кунда ҳам пахта экилган майдонларнинг 85% да дефолиация тадбирлари амалга оширилмоқда. Боиси мамлакатимиз пахта етиштируви энг шимолий худудлардан бири ҳисобланиб, кузги ёғингарчиликни ва совуқ кунлар эрта бошланади. Шунинг учун ҳам пахта етиштируви агрокластерлар ва фермер хўжаликлари терим олдидан ғўза баргларини дефолиантлар ёрдамида тўкириб, кўсакларни эртароқ очилтиришга ҳаракат қилишади.

Бироқ, об-ҳаво ноқулай келган йилларда ва ўсимлик биологик жиҳатдан дефолиация ўтказишга тайёр бўлмаган ҳолатларда дефолиантлар кутилганидек самара бермаслиги мумкин. Бундай шароитда десикантлар ёрдамида ғўза тупларини батамом қуритиш ва мавжуд кўсакларни очилтириб олиш зарур чоралардан бири ҳисобланади.

Ғўза десикацияси учун асосан хлорат магний препаратидан кенг фойдаланилган бўлиб, уни гектарига 25-30 кг гача сарфлаб ғўза туплари қуритилган. Ғўза десикацияси тўғрисида бир қанча адабиётларда маълумотлар баён этилган. Хусусан, Т.Зокировнинг манбаларида ёзилишича, ғўза десикациясини ўтказиш муддатларига катта аҳамият бериш ва бунда ўсимликнинг энг юқори ярусидаги кўсаклар 42-45 кунлик бўлишилги таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, М.Якубов, Ў.Хайдаровларнинг фикрича, ривожланишдан орқада қолган, яъни дефолиация бошлаш пайтига келганда барг тўкишга тайёр бўлмаган, очилмаган кўсаклари кўп бўлган ғўзалар десикация қилинади. Бунда магний хлоратнинг асосий эритмаси дефолиациядагидек тайёрланади, лекин концентрацияси оширилиб қўлланилади.

Бироқ, бугунги кунда қаттиқ ҳолдаги хлорат магний препарати ишлаб чиқаришдан деярли чиқиб кетган. Шунинг учун янги десикантларни синовдан ўтказиш мақсадида диквот асосга эга бўлган Агро-Диквот ва Диқошанс десикантлари бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Тажрибалар ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба участкасида 2019-2021 йиллар давомида ўрта толали С-6524 навининг кўсаклари 60-65% очилган муддатда ўтказилди. Тажрибада Агро-Диквот ва Диқошанс десикантларини уч хил меъёrlари назорат (ишлов берилмаган), дефолиация (СуюқХМД 8,0 л/га) ва қаттиқ шаклдаги хлорат магний 25,0 кг/га (андоза) меъёri билан десикация ўтказилган вариантларга қиёсан ўрганилди.

Десикантлар қўллашдан олдин ҳар бир вариантда типик ривожланган ўсимликларга маҳсус ёрлиқ (этикетка) илини,

десикациядан олдин ва десикациядан 6-12 кундан кейин фенологик кузатувлар ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра, десикациядан олдин ўсимлик бўйи варианtlар бўйича ўртacha 93,3-97,2 см ни, яшил барглар сони 35,3-39,1 донани, кўсаклар сони 12,7-13,2 донани, очилган ва ярим очилган кўсаклар сони 64,0-64,6 ва 2,5-1,8% ни ташкил этганлиги маълум бўлди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, десикация ўтказилганда ғўза тупидаги очилмаган кўсаклар ёши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, десикацияни эрта ўтказиш ёш кўсаклар ўсишини тўхтатиб, ҳосил салмоғига салбий таъсири кўрсатиши мумкин. Бизнинг изланишларда очилмаган кўсакларнинг аксарияти 45 кунлик ва ундан ортиқ бўлганлиги аниқланди.

Десикациядан 12 кун ўтгач, С-6524 ғўза навида десикантлар қўлланилган варианtlарнинг назоратида яшил барглар сони 82,4-79,4% ни, табиий тўкилган барглар 17,6-20,6% ни, очилган кўсаклар 76,3-81,3% ва ярим очилган кўсаклар сони эса 1,8-2,0% га тенглиги маълум бўлди. Кўсакларни табиий очилиш тезлиги нисбатан тадқиқотнинг 2-3 йилларида камроқ бўлди. Чунки, ушбу йилларда десикациядан сўнг ҳаво ҳарорати пасайиб, кўсакларни мақбул ривожланиши учун ноқулай бўлганлиги кузатилди.

Десикацияга таққослаш мақсадида СуюқХМД нинг 8,0 л/га меъёri билан дефолиация ўтказилган вариантида ишлов беришдан 12 кун ўтгач, яшил барглар 3,6-2,8%, ярим қуриган барглар 21,2-19,3%, қуриган барглар 12,3-13,4% ни ва тўкилганлари 62,9-64,5% ни ташкил этган бўлса, кўсаклар очилиши 80,7-86,6% га, очилиш тезлиги 16,6-21,8% га тенг бўлди.

Андоза сифатида қўлланилган хлорат магний дефолиантини 25,0 кг/га меъёri билан десикация ўтказилган вариантида эса ишлов беришдан 12 кун ўтиб, қуриган барглар 33,5-36,6% ни, тўкилган барглар 66,5-67,8% ни ташкил этган ҳолда, кўсаклар очилиши 91,2-93,7% га, назоратга нисбатан кўсаклар очилиши 14,9-12,4% га юқори бўлганлиги аниқланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хлорат магнийнинг 25,0 кг/га меъёri билан десикация ўтказилганда ғўза туплари об-ҳаво шароитига қараб 2-3 кунда батамом қуриганлиги, янги Агро-Диквот ва Диқошанс десикантлари қўлланилган варианtlарда эса 5-6 кун ўтгандан сўнг қуриганлиги кузатилди. Бу эса 45 кунлик кўсаклар 50 кунлиқдан ошгунга қадар ривожланишда давом этганлигини ва ҳосил сифати назоратдан камаймаслигини таъминлади.

Янги диквот асосга эга бўлган Агро-Диквотнинг 3,0 л/га меъёрининг самарадорлиги яхши бўлди ва ушбу меъёrdan ғўза барглари тўкилиши 76,8-77,3% ни, кўсаклар очилиши

96,4-97,7% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан барг тўкилиши 59,2-56,7%, кўсаклар очилиши эса 20,1-16,4% га юқори бўлганлиги аниқланди.

Яна бир хорижий янги десикант Дикошанснинг турли меъёрлари ичida нисбатан юқори натижалар 2,0 л/га меъёридан олиниб, ушбу меъёр қўлланилган вариантда барг тўкилиши 78,4-79,4% га, кўсаклар очилиши эса 97,1-98,2% га тенг бўлганлиги аниқланди. Бунда назоратга нисбатан кўсаклар очилиши 20,8-16,9% га, барг тўкилиши 60,8-58,8% га юқори бўлганлиги кузатилиб, десикант хлорат магнийга нисбатан ҳам ғўзага самарали таъсир этганлиги аниқланди..

Хулоса қилиш мумкинки, турли абиотик ва биотик омиллар таъсирида ғўза кўсаклари очилиши кечиккан майдонларда янги десикантларни қўллаб, ғўза десикациясини амалга ошириш пахта теримини қисқа муддатларда якунлаш имконини бериши билан бир қаторда, пахта ҳосилининг юқори ва сифатли йиғиштириб олинишини таъминлайди.

**Фатхулло ТЕШАЕВ, к.х.ф.д., профессор,
Лазизжон ФОЗИЛОВ, к.и.х.,
Шохрух РАХМОНОВ, к.и.х.**

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишиши агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

- Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Услубий қўлланмана. ЎзПИТИ.- Тошкент, 2007. -145 б.
- Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент, Давлат кимё комиссияси, 2004. – 12 б.
- Закиров Т. Химическая дефолиация и десикация хлопчатника. – Ташкент: Узбекистан, 1968. 311 с.
- Якубов М., Ҳайдаров Ў. Пахтачилик. – Тошкент. Ўқитувчи, 2004.106-109 б.

УЎТ: 631.542.25: 633.51

ТАДҚИҚОТ

ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК ДУРАГАЙЛАШ НАТИЖАСИДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ТИЗМАЛАРНИНГ VERTICILIUМ DAHLEAE KLEB КАСАЛЛИГИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Аннотация. Вилт замбурглари билан табиий зааралантирилган муҳитда аксарият тизмалар андоза навидан умумий ва кучли даражада заараланиши 3-4 баробар ижобий бўлганлиги аниқланган. Тадқиқотлар натижасида вилт касаллигига бардошли, маҳсулдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлган тизмалари оиласарининг ажратиб олинганилиги ёритилган.

Annotation. In a naturally infected environment with wilt fungi, it was found that most lines were 3-4 times more positive than the standard variety in terms of total and severe damage. The study found that families were isolated from wilt disease-resistant, productive, high-fiber and high-quality lines.

Республикамизда тола ҳосилдорлигини ошириш масаласи доимо долзарб бўлиб келмоқда. Хорижий навлардан фойдаланиб янги тезпишар ва тола ҳосилдорлиги юқори бўлган навлар яратиш мамлакатимизнинг селекция фани олдида турган асосий вазифадир. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти қошидаги ғўзанинг Дунёвий коллекцияси ғўзанинг турли минтақалардан жамланган ёввойи, яримёввойи (рудерал) шакллари ва навлардан ташкил топган. Бу намуналардан самарали фойдаланиб, вилт касаллигига бардошли бўлган янги бошланғич ашёлар ва навлар яратиш ҳозирги куннинг талабларидан биридир.

Жаҳонда *Verticillium dahliae* Kleb замбуруғлари юз йилдан бўён катта муаммо бўлиб келмоқда. Вилт касаллиги дунёнинг барча ғўза экиладиган мамлакатларида учрайди, аммо унинг тарқалиши ҳар хил бўлади. Ғўза коллекцияси умумжаҳон хазинаси бўлиб, барча пахта етишигуручи давлатлар олимлари улардан фойдаланиб, ўта мураккаб генотиплар ажратиб, касалликларга бардошли 2-3 геномли навлар яратган. Австралияда ғўза ка-

Жадвал.

Янги яратилган тизмаларнинг вилт касаллиги билан умумий ва кучли даражада заараланиши.

№	Австралия намуналари иштирокида яратилган (F_6) тизмалар	Ўсимлик сони, (%)	Вилт билан умумий даражада заараланиши		Вилт билан кучли даражада заараланиши	
			дона	фоиз	дона	фоиз
1	T-462 [F_6 (Auburn-MxC-8284)]	50	5	10,0	2	4,0
2	T-474 [F_6 (BrozosxЧарос)]	50	4	8,0	2	4,0
3	T-478 [F_6 (DeltapinexОмад)]	50	3	6,0	1	2,0
4	T-485 [F_6 (32(F ₁)xC-8290)]	50	6	12,0	4	8,0
5	T-490 [F_6 (Miller 439xC-01)]	50	4	8,0	1	2,0
6	T-492 [F_6 (C-01xMiller 439)]	50	8	16,0	3	6,0
7	T-494 [F_6 (МестныйxСултон)]	50	7	14,0	4	8,0
8	T-495 [F_6 (Бухара-6xCR69(F ₁))]	50	9	18,0	6	12,0
9	T-499 [F_6 (CR69(F ₁)xBухара-6)]	50	5	10,0	2	4,0
	St. C-6524	50	23	46,0	11	22,0

салликларнинг турли хиллари мавжуд ва уларга бардошли бўлган навлар яратиш долзарб вазифадир. Энг кўп тарқалган касалликлардан бири бу вилтдир (*Verticillium dahliae* Kleb). Бу касаллик барча экиладиган ўсимликларда учрайди ва 1980 йиларда 20% ҳосил нобуд бўлган эди [1]. Австралия олимларининг тадқиқотлари шуни кўрсатдик, бу касалликнинг зарари камайтирилган эди. CSIRO олимлари ушбу касалликга бардошли навлар яратишиб, бу муаммони деярли бартараф этишди. Вертициллэз вилт касаллиги Австралияда юз йиллар олдин, айниқса, Намой, Гвидир, Макинтайр вилоятларда кенг тарқалган эди. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган вилт изолятлари кўп таъсир этмасдан таъсирсиз штаммлар деб аталади. Лекин, таъсир этадиган штаммлар мавжудлиги туфайли маҳаллий навлар 20% га камайган. Аксарият навлар вилт касаллигига бардошлидир, лекин ҳарорат 22-27°C бўлганда ҳамда ёғингарчилик мавсумида вилт замбуруғлари сезиларли салбий таъсир этади. Шунинг учун бу касалликга кўп эътибор берилади [2].

Тажрибаларда Австралия намуналари ва маҳаллий навлар иштироқида яратилган янги тизмаларни институтнинг вилт замбуруғлари билан табиий заарланирилган муҳитда ушбу касалликка бардошлигининг умумий ва кучли даражада заарланишини андоза нави билан таққослаб аниқладик (жадвал).

Тадқиқотлардан бир неча йиллардан бўён турли хил ташлар натижасида аксарият қимматли ҳўжалик белгилари

юқори бўлган тизмаларда вилт касаллиги билан умумий даражада заарланиши T-478 тизмасида [F_6 (DeltapinexОмад)] 6,0 фоиздан, T-495 тизмасида [F_6 (Бухара-6xCR69(F_2))] 18,0 фоизгача заарланилиги, андоза навида эса 46,0 фоиз заарланилиги аниқланди. Кучли даражада заарланиши бўйича T-478 ва T-490 тизмаларда 2,0 фоиздан, T-495 тизмасида [F_6 (Бухара-6xCR69(F_2))] 12,0 фоиз касалланди. Андоза навида ўрганилган С-6524 навида кучли даражада заарланиши 22,0 фоизни ташкил этди. Вилт касаллиги билан умумий ва кучли даражада заарланиши бўйича T-474 [F_6 (BrozosxЧарос)], T-478 [F_6 (DeltapinexОмад)] ва T-490 [F_6 (Miller 439xC-01)] тизмалари бошқа тизмаларга нисбатан вилт касаллиги бардошлилиги кузатилиди. Вилт замбуруғлари билан табиий заарланирилган муҳитда аксарият тизмалар андоза навидан умумий ва кучли даражада заарланиши 3-4 баробар ижобий бўлганлиги аниқланди. Вилт касаллигига бардошли, маҳсулдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлган тизмаларни оиласлари тадқиқотлар давом эттириш учун ажратиб олинди.

**Аъзамжон РАВШАНОВ, к.х.ф.д.,
Паридун ИБРАГИМОВ, к.х.ф.д., профессор,
Дилфуза ТУРАЕВА, к.х.ф.ф.д., докторант,
Акмал ЖАЛОЛОВ, к.х.ф.ф.д.,
Сайёра ЭРГАШЕВА, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Баҳриддин ЎРОЗОВ, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Бехзод ЭРГАШЕВ, к.х.ф.ф.д.,
ПСЕУАИТИ.**

АДАБИЁТЛАР

1. Fahy P.C., Paulline C. Races of bacterial blight *Xanthomonas campesiris* pv *malvacearum* present in Australian cotton crops in 1964-1980 Australasian Plant Pathology. Vol 16. (1). 1987. - P.17-18.
2. Meyer L., James R., Vesta Meyer G. Origin and inheritance of nectarless cotton.// Crop Sci. 2003. -P. 167-169.

УЎТ: 006.1+631

ТАДҚИҚОТ

ЧИГИТЛИ ПАХТАНИНГ ИФЛОСЛИГИ

Аннотация. Чигитли пахта толасини чигитдан ажратиши жараёнида ундаги ифлослик ва бегона қўшилмаларнинг тола сифатига зарар қўлмаслиги тўғрисида.

Аннотация. О том, что в процессе отделения хлопкового волокна от семени не портится качество волокна от грязи и посторонних соединений в нем.

Annotation. About the fact that in the process of separation of seed cotton fiber from seeds, dirt and foreign compounds in it do not harm the fiber quality.

Чигитли пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнида ундаги ифлослик ва бегона қўшилмаларнинг тола сифатига зарар қўлмаслиги учун улар қуритиш-тозалаш ва тозалаш цехларига ўрнатилган машиналарда дастлаб ажратиб ташланади.

Ғўза кўсакларининг етилиш даврида барг ва шохчалар курий бошлайди, мўрт бўлиб, осон синиб майдаланади ва очилган пахтага илашиб уни ифлослантиради.

Чигитли пахтани кўл билан терганда унинг ифлосланиш даражаси асосан теримчининг диққатига боғлиқ, машина билан теришда ғўза баргларини тўқтириш (дефолиация) ишларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига боғлиқ.

Ғўза баргини сунъий тўқтириш чигитли пахтанинг ифлослигини камайтириш билан чекланмай, кўсакларнинг етилишини хам тезлаштиради ва биринчи сорт пахталар улушини оширади.

Пахтани машина билан теришда машиналарни тўғри ростлаш ва ишлатиш алоҳида ахамиятга эга. Бунда очилган

чигитли пахтани ва хом кўсакларни ерга тўқмасликни таъминлашга интилиш зарур. Бунинг учун пахта териш машиналарининг ишчи қисмларини даладаги ғўзанинг қалинлигига ва ривожланиш даражасига мослаб созлаш керак.

Чигитли пахтани хар хил ифлосликлардан тозалаш учун керакли машиналар хилини танлашда уларнинг физик-механикавий хусусиятларини (ўлчамлари, келиб-чиқиши, пахтага илашиш даражаси ва ҳоказо) назарга олиш катта аҳамиятга эга.

Пахтада учрайдиган аралашмалар келиб чиқиши жиҳатидан органик ва минерал жисмлар бўлиши мумкин. Органик жисмларга ғўза тупининг қисмлари (барг, шохчалар, чаноқ паллалари, гул барглари, мева бандлари) ва бошқа ўсимлик қисмлари (ғумай ва бошқа бегона ўтлар) киради. Минерал қўшилмаларга тош, кум, тупроқ, кесак ва ҳоказолар киради. Чигитли пахтада бўладиган ифлос қўшилмалар ўлчами жиҳатидан шартли равишда иккى гурухга бўлинади. Майда аралашмалар гурухига тешиклари 10 мм ли тўрдан

ўтадиган ва йирик аралашмалар гуруҳига бундай тўрдан ўтмайдиганлари киради.

Аралашмалар пахтага илашиши жиҳатидан пассив ёки инертли ва актив хилларга бўлинади. Пассив ёки инертли аралашмалар пахта паллаларининг сиртида бўлиб, енгил силкитганда пахтадан осон ажралади. Актив аралашмаларнинг пахтадан ажралиши қийин бўлади. Актив аралашмаларни пахтадан ажратиш учун уларни аввал пассив ҳолатга келтириш керак. Шунинг учун пахта тозалаш машиналарини танлашда аралашмаларнинг характеристига ва уларнинг чигитли пахтага қандай ёпишганлигига қараш керак.

Пахтани чўплардан тозалаш машиналари қозикли барабанлар секциясидан иборат бўлади. Майда ҳас-чўплар қозикли барабанлар секциясида йирик аралашмалар эса аррали барабанлар секциясида яхши тозаланади.

Пахта тозалаш машиналари иш унуми ва тозалаш эфекти (чигитли пахтадан ҳас-чўп, ўлик ва пуч чигитларни ажратиш имконияти) билан характерланади. Машиналарнинг тозалаш эфекти машинага тушган пахтадан ажратилган аралашма массасининг пахтада бўлган барча аралашма массасига нисбатан билан процент ҳисобида аникланади.

Машиналарнинг тозалаш эфектига уларнинг иш унуми, чигитли пахтанинг намлиги ва ифлослиги катта таъсир қиласди. Машиналарнинг иш унуми энг юқори тозалаш эфектига мослаб оширилади. Чигитли пахтанинг намлигини

нормал даражагача камайтирилганда тозалаш эфекти кўпайиб, ифлос қўшилмаларнинг пахтадан ажралиши осонлашади ва кўпаяди. Намлиги нормал даражадан юқори бўлган чигитли пахтани тозалаганда машинанинг тозалаш эфекти камайишидан ташқари шу пахтанинг толасида қўшимча нуқсонлар хам кўпаяди. Буни ЦНИИХПром маълумотларидан кўриш мумкин.

Толадаги нуқсон ва ифлосликинг чигитли пахта намлиги қараб ўзгариши.

Чигитли пахтанинг ишланиш шартлари	Намлиги, %	Ифлослиги, %	Толалардаги нуқсонлар, %	
			Ифлослик, %	Нуқсонлар, %
Сушилкадан ўтказилмаган	14,2	13,6	12,4	18,5
Сушилкадан ўтказилган	10,1	13,3	6,3	12,5

Машиналарнинг тозалаш эфекти чигитли пахтадаги ифлос қўшилмаларнинг миқдорига қараб ўзгариади: ифлос қўшилмалар қанча кўп бўлса, тозалаш вақтида шунча кўп ажралади. Агарда чигитли пахтада ифлос аралашмалар миқдори 0,5 дан кам бўлса, бундай чигитли пахтани заводда ишлаганда тозалаш цехидаги машиналарни ишлатмаса хам бўлади. Чунки пахтани қайта ишлаганда кераксиз машиналар хам ишлатилса, толада қўшимча нуқсонлар пайдо бўлади.

Фурқат РАҲМОНОВ,
Жizzax политехника институту камита ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Cotton world statistics. ICAC. 2002
2. Устюгин В.Е. Узбекистан на пути реформ систем стандартизации и сертификации хлопка. Ж. "Хлопководство", 1994, № 1-2.
3. Murodqosimovich, Isroilov Fakhreddin, Bozorov Alisher Ganisherovich, and Altmishev Bobur Sunnatiaeovich. "METHOD OF DETERMINATION OF STANDARD UNCERTAINTY OF MEASUREMENT MEASURING." International Engineering Journal For Research & Development 6. ICDSIIL (2021): 5-5.

УЎТ: 631.6

ТАДҚИҚОТ

КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ АДИР ЕРЛАРДА СУВТЕЖАМКОР СУГОРИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ДАЛА ТАЖРИБА УСЛУБЛАРИДА ЎРГАНИШ

Аннотация. Мақолада ирригация эрозиясига учраган тупроқларда қишилоқ ҳўжаслик экинларини етиштиришидаги эрозияга қарши сув тежовчи технологияларни тадқиқ этиши бўйича олиб борилган кўп йиллик изланишилар натижалари келтирилган.

Аннотация. В статье представлены результаты многолетних исследований противоэррозионных вод сберегающих технологий при возделывании сельскохозяйственных культур на орошаемых эродированных почвах.

Annotation. In the article presented the results of multi-year research on the study of soil-protective, water efficiency technologies in the development of agricultural culture.

Республикамизда ялпи дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўли, суфориладиган ҳамда эрозияга учраган ерларда донли экинлардан олинадиган ҳосил салмоғини ошириша алоҳида эътибор қаратилмоқда. Глобал иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Тахминларга кўра, ҳарорат 2°C га ортганда музликлар ҳажми 50 фоизга,

4°C га исиганда эса 78 фоизга камаяди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амуударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. 2030 йилга бориб 7 млрд куб/метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд куб метрни ташкил қилиши мумкин. [1]. Маълумотларга кўра ер юзасидан сув ва суфориш эрозияси таъсирида хар или гектаридан 100-150 т тупроқ, 500-800 кг гумус моддаси, 100-

120 кг азот, 75-100 кг фосфор тупроқ билан ювилиб даладан чиқиб кетиши аниқланган. (Х.М.Махсудов, 1981, 1989) [2]. Эрозия жараёнлари туфайли ғұза, ғалла ва бошқа қишлоқ хұжалик экинләри ҳосилдорлығи 30-50 фойзгача камаяди, пахта толаси ва ғалла сифати кескин өмөнлашади.

Тупроқнинг актив қаттамининг ювилишини олдини олиш мақсадида тажриба майдони учун оқим бүйлаб доимий оқим тезлиги билан әтап узунлиги х нин маълум бир қисми күриб чиқылди. Оқим бүйлаб тұхтатилған зарралар учун моментни сақлаш шартлари К.М.Латипов, А.М. Арифжановнинг “Вопросы движения взвесенесущего потока в открытых руслах” (Ташкент-1994 й., 82 бетдан) қуйидагича ифодаланиши ўрганилғанда [6]:

$$\frac{d\theta}{dx} = -g(\rho_t - \rho) * W_t * n * \sin \alpha + \frac{1}{2} * W_t * n * \frac{dv^2}{dx} \quad (1)$$

$$n \frac{d\theta}{dx} = -g(\rho_t - \rho) W_t n \sin \alpha + \frac{1}{2} W_t n \frac{dv^2}{dx}$$

әзә бүлдик (2) н-жамқ бирлигі қисмінде тұхтатилған зарралар сонидір.

$$\theta = \frac{2m_t * v^2}{3} * A_s \quad (3) \quad C_0 = C_D * e^k \quad (4) \quad V = C \sqrt{R * i} \quad (5)$$

Бу ерда: R-гидравлик радиус, i-нишаблик, С-Шези коэффициенти, V-канал тезлиги.

Әтап бүйіча оқим узунлиғи бүйлаб лойқалик тақсомити ўрганилғанда тұхтатилған зарралар учун тупроқ ювилишини сақлаш шартлари қуйидагича ифодаланды: $W_t=f(K)$

$$\frac{d\theta}{dx} = -g(\rho_t - \rho) * W_t * n * \sin \alpha + \frac{1}{2} * \rho * W_t * n * \frac{d(v^2)}{dx} \quad (6)$$

Бу ерда: n-бірлік жамқида тұхтатилған зарралар сони, ρ – навбати билан қаттиқ заррата ва ташувчи суюқликнинг зичлигі,

$\sin \alpha$ – оқимнинг горизонтта қиялік бурчаги, W_t – шарсім он шаклға көлтирилған қаттиқ заррата жамқи, g – әркін тушишнинг тезлініши, v- кесмада оқимнинг ўртаса тезлиги

Бу тажриба ишларидан келиб чиқиб, (7) қаттиқ қисм томондан синовдан үтгап пулс тенгdir.

$$\theta = n * \delta \quad (7)$$

$$\text{Бу тенгликдан } n \text{ ни топсак: } n = \frac{\delta}{\theta} = \frac{\delta}{\frac{2m_t * v^2}{3} * A_s} \quad (8)$$

$$\text{Бу ерда: } \theta = \frac{2 * m_t * v^2}{3} * A_s \quad (9)$$

A_s – Чүкінді қаттиқ моддаларни тортиш ҳолатига бояғып бўлған ўлчовсиз кўрсаткич, w- і-фракциядаги гидравлик катталалик

$$\frac{dG_x}{dx} = -g(\rho_t - \rho) W_t n \frac{\frac{G_x}{2m_t * v^2} * A_s}{3} \sin \alpha + \frac{1}{2} \rho W_t \frac{\frac{\delta}{2m_t * v^2} * A_s}{3} \frac{d(v^2)}{dx}$$

ушбу катталақдаги лойқа заррачаларнинг ҳолатига таъсири ўрганиб чиқылмоқда. Тажрибалар Тошкент вилояти Зангиота тумани “Умид” фермер хўжалигининг 5 гектарли ирригация эрозиясига учраган тажриба майдонида олиб борилди.

Тупроқ таркибини тажрибада синаш K-9 полимери 1:10 жамқдаги муносабатда сув билан ва әтаптар юзасида пурка-гич ёрдамида ташиб кўпайтирилганидан сўнг, әтаптар юзаси сувга чидали агрегатларни кўтариш ҳисобига Г.И.Павлова усули билан 1: 1-0,25; 0,25 мм.дан кўпроқ фракцияда тупроқ оғирлигидан % ҳисобида, агар ҳақиқий ҳолатда 7-12% ни ташкил этса, тупроқ полимер билан ишлов берилгандан сўнг 32-35% гача, шундай сифатда әтаптар юзаси агрегатлар ҳисобига ва әтап юзасининг ғадир-будирлиги ортада, қайсики инфильтрация (сувнинг тупроққа шимилиши) га ва ёнма-ёнлама әтаптар орасидаги намланиш кўтарилади.

Хуласа. Суғориладиган ерларда ғалла етиштириш агротехнологиясининг энг оқилона ечими суғоришнинг замона-вий сув тежовчи технологияларни кўллаб суғоришдир. Сув иқтисоди ҳар бир жүйкден 0,022 м³/сек сув иқтисод қилишга эришилди. Кластер ва бошқа фермер хўжаликларида жўякли суғоришнинг зиг-загсимон суғориш усулидан фойдаланиб К-полимери кўлланилса, тупроқнинг унумдор қатлами ювилишининг олди олинади. K-9 полимерини кўллаб суғорилғанда ғалланинг “Крошка” навидан фермер хўжалиги тажриба майдонида ҳосилдорлик 28,4 центнер-дан 65-70 центнерга кўтариша эришилди. Сувчилар сони иккى баробарга кисқартириша эришилди. Чекланган сув миқдоридан мақсадсиз фойдаланиш нишаблиги (0,5⁰) катта бўлған ҳудудларда экинларни нотўғри суғориш орқали сув сарфи ортиб кетиши натижасида ирригация эрозияси вужудга келади, натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва атроф-муҳитга катта зарар етказилмоқда. Ғалланинг суғориш муддати, меъёри ва сувтежамкор агротехнологияларини кўллаш, сувни беҳуда сарфланиши, тупроқнинг ювилиши, маъдан ўғитларнинг беҳуда исроф бўлишининг олдини олиш мақсадга мувофиқидир.

Дилшод РАХМОНОВ,
“ТИҚҲММИ” МТУ ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзажонов К.М., Раҳмонов Р.У. Ирригационная эрозия почв и элементы борьбы с ней// Монография.

Издательство “Навruz”. Ташкент, 2016 г. -251 с.

2. К.М.Латипов, А.М. Арифжанов. “Вопросы движения взвесенесущего потока в открытых руслах”. Ташкент, 1994 г. -82 стр.

УЙТ: 621(075)

ТАДҚИҚОТ

ДОННИ ЭКИШ, ҲОСИЛНИ ЙИГИШ, ТОПШИРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА УНИ САҚЛАШДА НАМЛИКНИ ҮЛЧАШНИНГ МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТИ

Аннотация. Мамлакатимизда донни экиш, ҳосилни йигишитириши, топшириши, сақлаш ва уни қайта ишлашда намликни үлчашнинг метрологик таъминоти каби асосий масалалар кўриб чиқылган, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлашнинг долзарблиги кўрсатилган.

Аннотация. В статье рассмотрены такие основные вопросы, как метрологическое обеспечение измерения влажности при посеве, уборке, перевалке, хранении и переработке зерна, обсуждена важность обеспечения населения Республики Узбекистан зерном и зернопродуктами.

Annotation. In our country, the main issues such as the metrological support of moisture measurement during sowing, harvesting, transfer, storage and processing of grain were considered, the importance of providing the population of the Republic of Uzbekistan with grain and grain products was discussed.

Республикамизда донни экиш: Уруғ тоза, йирик, бир төкис ва унувчанлиги юқори бўлиши керак. Йирик, оғир, бир хил, қобиги ва муртаги шикастланмаган уруғлар экилганда майда уруғларга нисбатан 3-4 ц/га кўшимча ҳосил олинади. Уруғларни ярим қуруқ усулда дорилашда сув ўрнига рух сульфат тузи билан калий перманганат тузлари 10:1 нисбатда сувда эритилиб, 1 тонна уруғга ишлатилади. Уруғлар экиш олдидан шундай усулда ишланганда 3-3,6 ц/га кўшимча ҳосил олинади [1]. Уруғлар 1, 2 синф талабларига жавоб берishi лозим. 1-синф уруғларнинг тозалиги 99%, 2-синф 98% ва 3-синф 97% бўлиши лозим. Унувчанлиги жиҳатидан 1-синф 95%, 2-синф 92% ва 3-синф 90% дан кам бўлмаслиги керак. Уруғ учун олдинги йилдаги ҳосилдан фойдаланиш мақсадда мувофиқ, агар бундай уруғлар бўлмаса, шу йилги ҳосилни аввал қўёшда қиздириб экиш мумкин. Экишдан камида 24 кун олдин 1 т уруғ 2 кг паноктин ёки 1,5 кг 2% ли раксил ёки 2-3 кг “Витовакс-200” препаратлари билан ишланиши яхши натижка беради. Ҳосилни — қиска 9-12 кундан кўп бўлмаган даврда йиғишириб олиш афзаллиги биологик жиҳатдан асосланган. Галла дон экинлари 2 та гурухга бўлинади: 1- ва 2-гурух ғалла дон экинлари бир-биридан қўйидаги белгиларига қараб фарқ қиласди. Уруғларни идишларга бўшатаётганда бошида, ўртасида ва охирида йирик уруғли экинлар (донли

ва дуккакли дон экинлари) учун 50 г, майда уруғли экинлар (зигир, беда, себарга ва бошқалари) учун 20 г миқдорда намуна олинади. Майдаланган уруғ намунасининг турли жойидан қошиқча билан олиб, аввалдан массаси аниқланган бюксга 5 г дан намуна солинади ҳар қайси намуна массаси 5 г дан қилиб олиниб, 2 марта аниқланади.

I-гуруҳ. 1.Доннинг қорин томонида узунасига кетган аниқ кўринадиган эгатча бор. 2.Дон бир нечта муртак илдиҷча чиқариб унади. 3.Бошоғининг пастки гуллари яхши ривожланган. 4.Жуда иссиқталаб эмас. 5.Кузиғи ва баҳорги шакллари бор. 6.Узун кун ўсимликлари.

II-гуруҳ. 1.Доннинг қорин томонида узунасига кетган эгатча йўқ. 2. Дон битта муртак илдиҷча чиқариб унади. 3. Бошоғининг юқори гуллари яхши ривожланган. 4. Иссиқталаб. 5. Фақат баҳоргиси бўлади. 6. Қисқа кун ўсимликлари.

Уруғлар қўйидаги ҳарорат ва муддатларда куритилади: дон ва дуккакли дон экинлари уруғи 130°C да 40 минут, майда уруғи ўтлар уруғи 180°C да 60 минут, мойли ва техникавий экинлар 100-05°C да 5 соат давомида куритилади. Қуритич шкафининг ҳарорати терморегулятор ёрдамида автоматик тарзда бошқариб турилади.

Азиз АБДУРАХМАНОВ,
Жиззах политехника институту камта ўқитувчи.

АДАБИЁТ

1. Бекбоев С. «Ўзбекистонда дон маҳсулотларининг сифатига давлат назорати». “Шарқ нашриёти”, Тошкент, 2002, 52.

UO'T: 634.7:587.34

TADQIQOT

NAMANGAN SHAROITIDA SOVUN DARAXTINING (KELREITERIA PANICULATA) KO'PAYTIRILISHI

Аннотация. Мыльное дерево — это Азия и Америка, в тропиках растет сапинда из семейства листевых небольших деревьев или кустарников. Мыльные плоды дерева, мыльные орехи, диаметром около 1,5 см, которые были плодами, так как в них внезапно появляется до 3 семян, входят в состав мыльных ягод, когда они созревают, их поверхность будет мягкой, а чехол будет бархатистым. При варке он твердеет, как ореховая скорлупа, поэтому и получил свое название – «мыльные орехи». Сухие мыльные орехи имеют темно-коричневый или черный цвет в зависимости от течения сушки.

Annotation. Soap tree - this Asia and America in the tropics growing sapinda of the family leafy small trees or bushes. Soap of the tree fruits, soap nuts , diameter about 1 , 5 see which was fruits as they are suddenly up to 3 seeds own into takes Soapy berries when ripe, their surface soft and velvet case will be. When cooked, it hardens, nut shell like, therefore for name – “soap nuts”. Dry soap nuts have a dark.

Sovun daraxti issiq iqlim zonasida joylashgan mamlakatlarda o'sadi, ammo shimolij Hindiston uning joylashgan joyining asosiy maydoni hisoblanadi. Sapindus 5-10 juft bargli daraxt bo'lib, biroz bizdag'i tog' gulini eslatadi. Daraxt balandligi 25 metrgacha o'sishi mumkin va chiroyli yashil-oq bo'lib gullaydi. Shundan so'ng, qo'bighidagi yong'oqqa o'xshash chiroyli mevalar paydo bo'ladi. Keyin ular sovun va shampun o'rninga ishlataladi, chunki ular tarkibida saponinning 40 foizi mavjud. Aynan shu modda har qanday mato

va sirdan kirlarni faol ravishda tozalaydi.

Sovun daraxtining dunyoda bir nechta turi mavjud. Bular:
-Sapindus delavayi-sovun daraxti turi, Xitoy va Hindistonda yetishtiriladi
-Sapindus drumdadi turi-Janubiy G'arbiy Amerika,Meksika
-Sapindus emarnoratus tarqalgan hududi-Janubiy Osiyo mamlakatlari
-Sapindus marjoratus hududi-Amerika Qo'shma Shtatlari

-Sapindus mukorossi gaerern Xitoy yoki Hindistonsovun daraxti. Hududi – Shimoliy Hindiston, Shimoliy Pokiston, Xitoy, Himolay.

-Sapindus ohuensis Xilebbe ya'ni Gavayi sovun daraxti. Janubiy Osiyo hududida keng yetishtiriladi.

-Sapindus Karpak bu ham Janubiy Osiyoda ekiladi.

-Sapindus Saponiya navi-Janubi Sharqiy AQSH, Karib dengizi atrofi, Gavayi

-Sapindus Tomentsus Xitoy mintaqasida ko'paytiriladi.

-Sapindus Trifoliatus turi Janubiy Hindiston, Keylon Janubiy Pokiston hududlarida tarqalgan.

-Sapindus Vitiensis Xitoy hududlarida o'stiriladi

-Sapindus Kelreyteriya paniculata turi Osiyo, Kavkazorti min-taqalari va xususan bizning hududimizda ham yetishtirilmoqda

Hozirgi kunda bizning iqlim sharoitimizda, asosan, sovun daraxtining Kelreyteriya paniculata turi ekilmoqda. Bu daraxt mahalliy tilda sovun daraxti deyiladi, lotincha nomi esa *Kelreiteria paniculata*. Sovun daraxtining tabiiy tarqalgan joylari Xitoy va Yaponiyadan Hindistongacha. Shuningdek, u AQShda, Shimoliy Afrikada ham yaxshi o'stiriladi. Uning urug'lari juda oson o'sadi. Ekishdan oldin sovun daraxtida urug'lari bir kun davomida nam-lanadi va uni 2-3 sm chuqurlikka ekish tavsiya qilinadi. Bu daraxt taxminan 5-7 yil ichida meva bera boshlaydi. Daraxt Rossiyaning o'ita va janubiy hududlarida ham yetishtirish uchun moslashgan. Kundalik hayotda uning sovun to'plari haqiqiy topilma hisoblanadi. Ma'lumki, sintetik yuvish vositalari narsalarni va idishlarni yuvishda ma'lum bir xavf tug'diradi, chunki ularning tarkibida zararli moddalar mavjud. Bu daraxtning sovun yong'oqlari kir yuvish kukunini mukammal darajada almashtiradi va yuvish vositasini ham beradi. Bu daraxtdan mutlaqo tabiiy sovun olish mumkin. Shuning uchun kimyoviy moddalar ta'sirini kamaytirish va teridagi allergik kasalliklarning oldini olish maqsadida bu daraxtdan olin-gan sovunlar tabiiy mahsulot hisoblanadi. Bir so'z bilan aytganda, haqiqiy, zamonaliv ekologik yuvish vositasi olinadi. Bundan tash-qari, olingan vosita orqali kir yaxshi yuviladi va yumshoq bo'ladi. Bunday sovun bilan yuvilgan matolar hech qachon o'z sifatini

yo'qotmaydi va yoqimli bo'lib ifor taratadi. Sovun daraxtining me-valari qobiq bilan o'ralgan bo'lib, sariq-jigarrang rangda diametri 2-2.5 sm hajmda bo'ladi. Ularda organik birikmalar - saponinlar (glikozidlar) mavjud. Bu tabiiy zarba beruvchi vositalar. Saponinlar atrof-muhitda butunlay parchalanadi va sovnlardan farqli o'laroq, gidroksidi reaksiyani yaratmaydi. Sovun yong'oqlari kir yuvish mashinasida yoki qo'lda yuvish paytida kiyimlarni mukammal yuvadi. Yana misol qilib oladigan bo'lsak, idishlarni yuvish, oltin va kumushdan yasalgan toza zargarlik buyumlarini yuvish, uyni tozalashda va avtoulovlarni yuvish uchun ishlataladi. Chivin va pashshalarni qaytaradi, sovun emulsiyasi esa uy o'simliklari uchun o'g'it tariqasida ishlataladi. Mevalardan olingen yuvish vositalari har tomonlama foydali, matolarni ham rangini o'z holatida saqlab qoladi, foydalanish uchun qulay, ko'p funktsiyalari, iqtisodiy, qayta foydalanish mumkin. Saponinlar yong'oqdan maksimal darajada ajralib turishi uchun, yong'oqning qobig'i maydalanadi.

Hozirgi kunda sovun daraxtini mamlakatimiz, xususan, Namangan iqlim sharoitiga moslashtirib, ko'paytirish ishlari amalgamoshirilmoxda. Kelreyteriya paniculata uchun iqlim sharoiti issiq bo'lish kerak. Chunki bu daraxt issiqsevar hisoblanadi. Sovun urug'lari ekishdan oldinroq starifikatsiya qilinib, oktyabr-noyabr oylarida oldindan tayyorlangan kvadrat shaklli maydonchalarga sochib ekiladi. Ekiladigan tuproq tarkibida chirindilar, organik o'g'itlar bo'lishi lozim. Urug'lар ekilgandan so'ng urug' ustini tuproq va drabilkadan chiqarilgan mayda toshchalar bilan berkiltiladi. Feval-mart oylariga kelib esa unib chiga boshlaydi. Yosh nihol ko'chatlari holatiga qarab katta yer maydonlariga ko'chirib o'tkaziladi. Ko'chirilgandan so'ng suv quyish me'yorini agar suv yaxshi bo'lsa bir yilda 8-10 martta amalgamoshirish kerak. Suv kamroq bo'lgan hudud bo'ladigan bo'lsa 3-4 marta ham yetadi. Bu daraxt uchun harorat me'yori 25-38°C ni tashkil qiladi. Sovun daraxti normal sharoitda 1 yilda 1-1,5 metrgacha o'smoqda.

Nazira MELANOVA, b.f.f.d., dotsent,
Surayyo MISIROVA, q.x.f.f.d., dotsent

Nodirbek SALIMOV, talaba,

Namangan muhandislik-tehnologiya instituti.

ADABIYOTLAR

- Doornik A.W. Effect of storage duration and temperature on the survival of Rhizoctonia solani in tulip and iris bulbs // Neth. J. Plant Pathol.- Netherland. -1982.- Vol.88 № 5.- pp.185-190.
- Juodkaité R., Baliūneinė A., Naujalis J.R., Navalinskienė M., Samuitienė M. Selection and presentation of tulip (*Tulipa L.*) species and cultivars to the Lithuanian plant genetic resources. // Biologija. Lithuania, 2008, Vol. 54, No.2, pp.139-146.
- Juodkaité R., Naujalis J.R., Navalinskienė M., Samuitienė M. Evaluation of tulip (*Tulipa L.*) decorative capacities and resistance to Tulip breaking potyvirus in the tulip collection of the Botanical Garden of Vilnius University. Biologija. Lithuania, 2005, Vol. 51, No.4, pp.64-70.
- С.Мисирова, Н.Меланова, И.Джўраев, А.Камалов. Наманган вилоятида Нидерландия лолаларини етиштириш. Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси 2021 йил 1-сон.
- I.Qurbanov. TULIP VARIETIES IMPORTED FROM THE NETHERLANDS TECHNOLOGY OF CULTIVATION OF NAMANGAN REGION. GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) ISSN (E): 2347-6915 Vol. 9, Issue 12, Dec. (2021)

